

НАФИС МАЖЛИСЛАР

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
РУҲИ ЗАВОЛ
БИЛМАГАЙ

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг таваллуд айёмлари маърифатпарвар халқимизнинг ардоқли байрамлари сифатида кенг нишонланаётган шукҳли кунларда азим пойтахтимиздаги “Маърифат маркази” – Симпозиумлар саройида яна бир бетакрор маданий воқеа – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг ижодий-маърифий кечаси бўлиб ўтди.

Аввало, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур ижодий лойиҳанинг ташаббускори бўлгани, хусусан, Симпозиумлар саройини юртимизнинг энг атоқли, энг суюкли санъаткорлари ҳар ойда халқимиз билан, миллий санъатимизнинг ҳақиқий мухлислари билан учрашиб, ўзаро мулоқотга киришадиган ижодий даргоҳга айлантириш бўйича муҳим тавсиялар берганини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Албатта, нодир ва ноёб, юксак бадий олам саналимиш академик, яъни мумтоз санъатни чин юракдан англаш, ҳис қилиш, эъозлаш одамдан чуқур тайёргарлик, кенг дунёқараш, фалсафий тафаккур ва нозик дидни талаб этиши барчамизга маълум.

Ўзининг мазмунан янги ҳаётини бошлаётган ушбу санъат қошонасидаги биринчи гўзал анжуман, ҳақли равишда, халқимизнинг ардоқли фарзанди, беназир истеъдоди ва маҳорати билан миллионлаб қалбларни ҳаяжонга солган, эл-юртимизнинг шонли тарихини, унинг бугуни ва келажагини, авлодларга қолдиражак бебаҳо меросини ўз санъати тимсолида бутун дунёга намоён этиб келаётган Муножат Йўлчиева иштирокида ўтказилиши лозим эди ва шундай бўлди ҳам.

Шу ўринда, Францияда фаолият юритаётган “Темурийлар ассоциацияси”нинг кўп йиллик раиси, таниқли санъатшунос олима Фредерик Брессанднинг қуйидаги фикрларини эслаб ўтсак:

“Бир йили Самарқандга, “Шарқ тароналари” халқаро фестивалига таклиф этилган эдим. Оқшом чоғи анжуманнинг тантанали очилиш маросими бошланди.

Меҳмонлар сафидан жой олиб, саҳнага юзландим.

Бир маҳал Регистон майдонининг нақ түрида, Тиллакори мадрасаси саҳнида улугвор қиёфадаги бир темурийли малика намоён бўлди. У шундай мухташам виқор ва салобат билан юриб келар эдики, мен беихтиёр, тарих китобларида тасвирланган Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли маликаси Бибихоним шу бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Яқинроқ келганидан сўнг, бу – улуг санъаткор Муножат Йўлчиева эканини билдим.

Беназир ҳофизанинг нафақат сеҳрли овози, балки образ яратиш маҳорати, артистизми, унинг сирли, чақноқ ва маънодор кўзлари, аслзодалар каби оҳиста қадам босишини кўриб, жойимда қотиб қолдим. Наинки мен, балки бутун майдон аҳли шундай ҳиссиёт оғушида эди.

Муножатнинг гўзал сиймосидан назокат ва улугворлик уфуриб турарди. Темури ва Навоий даврларини, Ҳиротдаги Шохруҳ Мирзо салтанатида, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек саройларида ҳукм сурган муҳит ва руҳни

қайта жонлантирган эди бу малика”.

Шу кунги Симпозиумлар саройига йиғилган миллий санъатимизнинг чинакам ихлосмандлари ҳам темурийлар замонида, навоийлар даврига қайтгандай, улуг аждодларимизнинг юксак инсоний фазилатларини ёд этгандай бўлдилар.

“Муножот”, “Таронаи баёт”, “Ушшоқ”, “Тонг отгунча”, “Самарқанд ушшоғи”, “Тановар”... Халқимизнинг минг-минг йиллик орзу-армонларини, қувонч ва ташвишларини ўзида намоён этадиган бундай ўлмас қўшиқлар маърифий кечанинг чинакам қаҳрамонига айланган Муножат Йўлчиева ижросида тингловчиларни яна бир бор ҳайрат ва ҳаяжонга солди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, ёзувчи Хайриддин Султонов, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди раҳбари Олимжон Давлатов, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳшом Исмоилов, Ўзбек миллий Мақом санъати маркази директори Сойибжон Бегматовнинг ҳофиза ҳақида билдирган фикрлари катта қизиқиш билан тингланди.

“Муножат Йўлчиева тўғрисида га-

пириш осон. Бу инсон ўта камтарин, меҳнаткаш ва камсуқум инсон, – деди жумладан ўз сўзида Хайриддин Султонов. – Лекин айни пайтда у киши ҳақида сўз юритиш қийин.

Мен бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаган бўлардим: денгиз ёки уммонни қандай таърифлаш, ифодалаш мумкин? Уларнинг минг бир сифати, белги-аломатидан қай бирини айтиш мумкин?

Машҳур ёзувчи Антон Павлович Чехов: “Мен денгизнинг энг зўр, энг мукаммал тасвирини бир мактаб ўқувчисининг иншосида ўқидим. У “Денгиз жуда катта” деб ёзган эди”, дейди.

Муножат Йўлчиевага ҳам бир сўз билан, мухтасар тавсиф берадиган бўлсак, аввало, шуни айтишимиз керакки, у – жуда катта талант соҳибаси. Муножат Йўлчиева жаҳон санъатининг энг юксак мезонлари билан ўлчанганда ҳам, ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган санъаткор, десақ, албатта янглишмаган бўламмиз.

(Давоми 2-саҳифада).

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 541 ЙИЛЛИГИ

ШОҲ ВА ШОИРГА ЮКСАК
ЭҲТИРОМ

Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллигига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, юртимиздаги ва хорижлик бобуршунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбир аввалида иштирокчилар томонидан Бобур хайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, улуг шоирга юксак эҳтиром кўрсатилди.

Сўнг вилоят театрлари санъаткорлари томонидан Бобур ҳаёти ва ижодида оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Кенг саҳнага маҳзун мусиқа садолари остида салобатли, лекин юз-кўзларида ғам-андуҳ намоён Бобур Мирзо кириб келди. У ўз даврининг ноҳақлик, адолатсизлик, бошидан ўтказган азоб-уқубатлари ҳақида битган ғазалларидан бирини ўқий бошлади.

(Давоми 3-саҳифада).

МОЗИЙГА ҚАРАБ

“БОТМАСИН ЧИҚҚАН ҚУЁШ...”

Баҳодир КАРИМ, филология фанлари доктори, профессор

ОРЗУ

Жадидлик даврнинг бутун ижтимоий-сиёсий моҳиятини намоён қиладиган, бу

даврни ичдан ёритиб турган ва, айни дамда, ўзининг қисқа умри билан барча онгли зиёлилар қалбини бирдек ўртаб, ларзага солган улкан бир ҳодиса бор. Бу – Туркистон мухториятидир

Туркистон мухторияти яқин тарихнинг энг мураккаб, зиддиятли ва кун-бакун ўрганилиши лозим бўлган саҳифаларидан бири саналади. Чунки бунда чоризмдан қутулиш, Муваққат ҳукумат сиёсати, ёлгон ваъдалар билан большевикларнинг ҳукумат бошига келиши, бутун халқни – ишчи ва деҳқонларни ҳукмронлик курсиларига

ўтқизиш билан қизиқтириш каби воқеалар талқини синчковликни талаб қиладди. Бошқа томондан ҳали бу даврда, гарчанд Чор Россиясига қарам бўлсалар-да, Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги қайсидир маънода мустақил сиёсат юритар эди. Туркистон мухториятининг улар билан муносабати ҳам қизиқ. Бир томони Қўқон, Тошкент ва Самарқанд билан боғлиқ бўлган Мухториятнинг қамров ҳудуди анча кенг эди. Манбаларда аҳолисининг сони 10 млн. деб кўрсатилади.

(Давоми 7-саҳифада).

БИР ҲАЗАЛ ШАРҲИ

ҒУРБАТДА БИТИЛГАН
ТАҚДИР ҲАЗАЛИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиётидаги муаллиф шахсияти билан боғлиқ ўринлар ҳар доим тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келади. У қатъиятли, жасур ва ҳақиқатпаноҳ инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар бу нодир шахснинг нафақат “Вақоеъ” (“Бобурнома”)сида, балки бир қанча лирик шеърларида ҳам ўз аксини топган. Шундай асарларидан бири унинг “қилибтур” радифли ғазалидир.

Бу ғазал 1528 йилда ёзилган бўлиб (бу ҳақда қуйироқда тўх-таламиз), шундай бошланади:

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур,
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур.

Яъни мусофирчиликнинг ғариблигида ўшал қамарсий-мо(ой)нинг ҳажри шоирни қаритди; у ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисобларди, лекин ҳижрон ва ғурбатда ўтган йиллар унга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Атиги беш байтдан иборат шарҳи ҳол усулидаги ушбу ғазалнинг давомида эса шоир тақдирга юкинади:

Мақдур боринча қилурам саъйи висолинг,
То Тенгрини, билмонки, не тақдир қилибтур.

Яъни кучим борича сенинг висолингга эришиш учун саъй-ҳаракатимни қилабераман; аммо билмаймани, Танграм менга нени тақдир қилган экан.

Биринчи ва иккинчи байтларда Бобуршоҳ ўз шахсий кечинмаларидан сўзлайди, учинчи байтда эса, аниқ ҳаётий воқелик баёнига ўтади:

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбал, татийр қилибтур.

Бу байтга бироз тўхталиш зарур. Айнан тарих акс бу байт тақдирининг ўзи қизиқ.

Бобур шеърларининг айрим замонавий нашрларида остига чизилган ўрин “ҳавас Санбалу, татийр” (1982), “ҳаваси Санбалу Татийр” (1994, 2007, 2008 йиллар) деб берилган ҳамда “Санбал” ва “Татийр” “Ҳиндистондаги жойлар номи” дея изоҳланган. Баъзиларида ҳатто “сунбули татийр” (1976 йил) ёки “сунбулу тақдир” (1996 йил) тарзида ғалати берилган.

(Давоми 4-саҳифада).

ЗАМОН ЖАДИДЛАРИ

“НОНДАН СЎНГ ЭНГ
МУҲИМИ МАКТАБДИР”

Бугун ибрат сифатида кўрсатилаётган Яшнобод туманидаги 255-мактаб ўқувчилари шароит тақозоси билан бир вақтлар ётоқхонада дарс ўтишга ҳам мажбур бўлган. Улар бугун кенг ва ёруғ синфхоналарда, шинам, замонавий ва ҳавас қилса арзигulik бинода билим олишмоқда. Бу ердаги қизгинлик, юракларидаги жўшқинликдан кўз қувнайди.

— Бу мактабни мактаб қилиш осон кечдимми, — қулиб гап бошлади мактаб директори Дилоро Жумаева. — Бир пайтлар 1250 ўринга мўлжалланган уч қаватли бинода... 620 нафар ўқувчи таҳсил оларди. Одамлар мактаб танлар эканми, биномиз таъмирталаб бўлиб қолди-ю, ўқувчиларимиз бирин-кетин бошқа мактабларга “қочиб” кета бошлади. Фақат биринчи қаватдаги синфхоналардагина дарс ўтиларди. Тепадаги икки қаватни ёпиб ташладик. Бир-иккита хонани вақтинча фойдаланиш учун маҳаллага бердик. Келишга оёғим тортмайди. Мактаб ҳувиллайди... Таълим сифати ҳам таъмирга яраша... Тўғриси, ўзим ҳам кетворсамми, деган ҳаёлларга борганман. Лекин, қандай қилиб? Ахир, раҳбар бўлсам, мактабнинг тақдирини менга боғлиқ бўлса...

(Давоми 2-саҳифада).

ФИКР

КУРАШ МАЙДОНИ

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Тарих далолати шуки, мафқуравий кураш бир кун ҳам тўхтамас экан. Газетамиз пешбандида ёзилган “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шiori зиёли қатлам вакилларининг дил сўзига айланажак. Умид қиламизки, муассислар ва жамоатчилик вакилларининг ташаббуси қўллаб-қувватлаб иштирок этилган “Jadid” газетаси шу курашнинг бошида туриб, пешқадам зиёиларимизнинг асл минбарига айланади.

Биринчидан, газета мамлакат мустақиллиги учун мол-жонини тикиб курашга бел боғлаган жадидларимиздан ўрнак олиш, улар меросини ўрганиб, моҳиятини халққа етказишга ҳаракат қиладди.

Иккинчидан, илгор зиёиларимизни бугуннинг жадидлари бўлишга ундайди. Бугуннинг жадидлари эса, халқнинг қўзини очиши, уни йўғотиши, фуқароларни Ватан тақдирини учун масъул шахсларга айлантиришни мақсад қилиши, XXI аср тараққиёти талаб қиладиган даражадаги кадрларни етиштиришга муносиб ҳисса қўиши зарур. Бу эса, янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш, санатни, туризмни юксак даражаларга кўтариш, илм-фанни ўстириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳам билимли, ҳам маънави-ятли шахсни тарбиялашни ўз ичига олади.



ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РУҲИ ЗАВОЛ БИЛМАГАЙ

Бошланиши 1-саҳифада

Муножат Йўлчиевага “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилгани бежиз эмас. Бу юксак эътироф, авваломбор, у кишидаги темир интизом, фидойилик, ўзига нисбатан ўта талабчанлик ва кучли ироданинг тасдиғидир.



Фредерик Брессанд

ЮНЕСКО қароргоҳида Хива ва Бухоро, кейинроқ Тошкент шаҳрининг юбилейлари муносабати билан уюштирилган концерт дастурларида Муножат Йўлчиеванинг юлдузли онларига шахсан гувоҳ бўлганман. Бу томошаларга ҳофизамизнинг юзлаб ихлосмандлари нафақат Франция, айни вақтда Бельгия, Нидерландия, Германия, Испания, Швейцариядан, қўйингки, бутун Европада ёғилиб келганини ўз кўзим билан кўрганман.

Албатта, бу одамлар ўзбек тилини тушун-

масди, аммо улар хонандамизнинг мўъжиза-кор овозини эшитиб, юрак-юрагидан чиқаётган нола ва дардлари, саҳнада ўзини бекиёс ҳусни таважжўх билан тутиши, юксак даражадаги санъаткорона маҳоратни кўриб, тик туриб олқишлаб қарсак чалишгани ҳамон кўз олдимдан кетмайди.

Шахсан мен бугунги кечадан катта маънавий озиқ олдим. Мақом маликасининг теран дард ва изтироб билан ижро этган ўлмас қўшиқларини сел бўлиб тинглар эканман, ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихи, ота-болаларимиз бошидан кечирган машаққат ва азоблар, қирғину қатағонлар, уларнинг озодлик ва эзгулик учун асрлар давомида олиб борган мардона курашлари кўз олдимдан бирма-бир ўтгандек бўлди.

Шу аснода беихтиёр бир савол туғилади: биз нега енгил-елпи томошаларни, сақич чайнаб, бодроқ кавшаб кўриладиган концерт-фильмларни хуш кўраемиз? Сабаби оддий – улар бизни ўйлаш, фикрлаш деган ташвишдан халос қилади.

Мумтоз санъат эса бунинг аксидир. У шунчаки ҳордиқ чиқариш воситаси эмас, аввало, қалб сўроғи, виждон қийноғидир.

Мумтоз санъат асарлари одамзотни ҳаёт ҳақида ўйлашга ундайди, охираат кўни савол-жавоб муқаррар эканини эсга солади. Дунёга келиб ҳалол-пок яшадимми, ота-онам олдидаги қарзимни уздимми, фарзандларимга тўғри тарбия бердимми, халқ, миллат, Ватан олдидаги бурчимни адо эта олдимми, деган оғир-оғир саволларни ўртага ташлайди. Хоҳласак-хоҳламасак, бизни шу ҳақда

мулоҳаза ва мушоҳада юритишга, инсонлик мақомига қайтишга мажбур қилади.

Бугун Муножат Йўлчиева қарийб икки соат давомида айнан мана шу ҳақда ёниб куйлади. Биз юмшоқ креслоларда бемалол ўтириб концерт томоша қилдик, аммо бу инсон тик оёқда турган ҳолда, ана шундай оғир “юк”ни ўз елкасида кўтариб, мислсиз руҳий босимни ўзининг нозик юрагидан ўтказиб куйлади.

Шу сабабли Симпозиумлар саройида бўлиб ўтаётган ушбу ижодий-маърифий кеча катта ибрат намунаси сифатида таъсирчан тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай гўзал дастурларни яна кўллаб уюштиришимиз керак.

Такрор айтишга тўғри келади – оғир, таҳликали даврда яшаймиз. Кўп мамлакатларда миллийлик, оилавий қадриятлар, эзгу туйғуллар тобора таназзулга юз тутмоқда.

Бундай қалтис замонда ким, қайси халқ бу каби хуруж ва бўҳронлардан омон чиқа олади? Ким бу каби ҳаёт-мамот синовлари-га мардона бардош бериб, уларга қаршилиқ кўрсата олади? Албатта, мустаҳкам иродаси билан ўз миллий табиатини сақлай оладиган, ўз ғурур ва ифтихорини маҳкам тутган, ягона халқ бўлиб бирлашган миллат ва жамият ўз-лигини йўқотмайди.

Таскин шуки, Муножат Йўлчиева каби улуг санъаткорларимиз бор экан, ўзбек миллий руҳи завола билмагмай.

Мана шундай шукўхли кунда фақат ўз шон-шухратига фарқ бўлмасдан, дунёдан ўтиб кетган меҳрибон устози – машхур созанда ва бастакор Шавкат Мирзаев хотирасини ёд этиши Муножат



Йўлчиеванинг юксак инсоний хислатларини яна бир бор намоён этди, айни пайтда, барчамиз, аввало, ёшларимиз учун инсонийлик сабоғи бўлди.

Юнус Ражабий номидagi Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг Мақом хонандалиги кафедраси созандалари, шунингдек, устоз санъаткор Муножат Йўлчиеванинг иқтидорли шоғирдлари Тўрабек Мухторов ва Адолат Исмоилова ижро этган куй-қўшиқлар унутилмас кечгага ўзгача файз ва шукўх бағишлади.

Таассуротларимиз сўнгиди барча санъат ихлос-

мандлари номидан хурматли санъаткоримиз Муножат Йўлчиевага мана шундай чинакам маърифат кечаси учун алоҳида ташаккур изҳор этамиз, бу унутилмас тadbирни ташкил этган барча фидойи инсонларга, Маданият вазирлиги ходимлари, Мақом ансамбли жамоасига, режиссёрларимизга миннатдорлик билдираимиз.

Уйлаймизки, минг-минглаб қалбларга маънавий уйғоқлик бахш этадиган бундай санъат байрамлари муҳташам сарой саҳнасида мунтазам давом этади.

Б. ИСКАНДАРОВ

Бошланиши 1-саҳифада

Опанинг жайдари гапларидан унинг жуда тантилигини ҳис қилдим. Эшитаётганларим ҳайрат, ҳам сурурга кўмди. 2018 йилда директорликка тайинланган Дилоро Жумаева ўқув даргоҳининг фаолиятини қайта йўлга қўйиш, таълим сифатини ошириш учун йўл харитасини тузди. Бу борадаги чора-тадбирларни бешта муҳим мақсадга жамлади. Булар – мустаҳкам бошланғич таълим, халқаро сертификатларга эга ўқитувчилар жамоасини шакллантириш, мактабда етакчилар клубларини ташкил қилиш, қўшимча пуллик хизматни жорий этиш ва олий таълимга киришни кўпайтириш.

Директор жамоасига қаттиқ ишлаш кераклигини, бир ўзи ҳеч нарса қилолмаслигини тушунтирди. Жамоа раҳбарининг режаларини кўллаб-қувватлади. Ишни ўқувчи сонини кўпайтиришдан бошлаш керак эди. “Болағиз келажакда қандай мактабда ўқийди?”, “Мактабимиз яқин йилларда қандай кўрсаткичларга эришади?” каби мавзуларда слайдлар тайёрланди. Одамларнинг ишдан қайтиш вақтига тўғрилаб, кўп қаватли уйларнинг болалар майдончаларида тайёрланган слайдлар намоиш этилди. Хонадонма-хонадон кириб, ташвиқот ишлари олиб борилди. Директорни яна бир ташвиш – таъмир масаласи ҳам ўйлантирарди. Маҳаллага келган сайёр камерани “тутиб келиб” мактабни тасвирга туширтирди ва бу кимгадир ёқмай уч ой лавозимидан четлатилди ҳам.

– Бўлди, энди кетдим, деб ўйловдим, – дейди Дилоро опа у кунларни эслаб. – Лекин қайтариб жойимга қўйишди. Бу менга катта куч берди. Аввал ишлаган бўлсам, мана энди ишлайман, дедим. Ҳеч қанча ўтмай, мактаб давлат

дастурига кирди ва таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Ўқишни авиация билан юртининг ётоқхонасига қўйишди. “Ана энди унақа мактабда ўқиймиз”, “мана бунақа шароитлар бўлади”, деб ташвиқотларга янада куч бердик. Одамлар болаларини ётоқхонага олиб кела бошлади. Шароитдан қийналсак ҳам таълимни кучайтирдик. Шу йили ўқувчиларимнинг “Заковат” клуби мактабга вазир кубогини тақдим этишди.

Айни пайтда мактабда 2284 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Дарслар тўлиқ ўзбек тилида олиб борилади. Устоз-мураббийлар юқоридаги беш мақсадни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Мактабдаги таълим услубининг бир диққатга сазовор томони бор: “Болага ота-онасидан сўнг, энг катта таъсир ўтказувчи шахс – унинг биринчи муаллими!”, деган шior остида ишлашади. Яъни, асосий эътибор бошланғич таълимга қаратилган. Бошланғич синфлар директорнинг қатъий назоратида. Унинг фикрича, ўқувчи аввало биринчи устозидан “ранг олади”.

– Қузатувларимдан билдимки, илк устозидан бола кўп нарса “юқтирар” экан, – дейди у. – Ўқитувчи қанча тиришчоқ бўлса, ўқувчиси ҳам жон-жаҳди билан ўқийди. Шунинг учун бошланғич синф устозларини қаттиқ ушлайман, кўп тергайман, боладан шикоят қилишига йўл бермайман. Ота-оналарга ўша пайтларда берган ваъдаларимизнинг устидан чиқяпмиз. Бугунга келиб, мураббийларнинг кўпчилиги халқаро

сертификатларга эга. Мактаб етакчилари ўз клублари ишларини тўғри йўлга қўйган. Мактабда ёшлар ишлари бўйича етакчи этиб сайланган Шоҳжаҳон Абдуллажонов, “Лидер қизлар” клубининг раҳбари Севинчхон Аблова фаол ёшларни ўз атрофида жамлаган, улар ўтказиладиган барча тадбирларга бошқош. Бундан ташқари, қўшимча пуллик хизматлар ташкил этдик. Ўқувчилар бўш вақтларида технология дарсларида ишлаб чиқарган хомашёларининг ярмаркаларини уюштирамиз. Сентябрь ойидан йилгил бошланадиган маҳсулотлар ўқув йили охирида савдога қўйилади. Тушган пуллар маълум миқдорда рағбатлантириш учун ўқувчининг ўзига ҳам берилади. Қолган қисми мактабнинг махсус ҳисоб рақамига тушади. Фанлардан қўшимча пуллик репетиторлик курслари ҳам ташкил қилинган. Бундан тушган маблағнинг етмиш фоизини қўшимча дарслар учун ўқитувчиларга ажратганмиз. Юқорида айтилган беш мақсаднинг тўртинчи босқичи шу тариқа амалга ошяпти. Буларнинг ортидан олий таълимга киришни кўпайтириш масаласи ҳам ўз-ўзидан ечилипти.

Мактабнинг махсус ҳисоб рақамига тўхталсак, қонуний қўшимча пуллик хизматлар эвазига сармоя йиғилади. 255-мактабнинг бошқа мактабларга ибрат бўладиган томони шундаки, ҳисоб рақамиди йилига 130-140 миллион сум айланиб, бу пуллар ўқув даргоҳида таълимни янада юқори босқичларга кўтариш, энг фаол ўқувчи ва ўқитувчиларни



рағбатлантиришга йўналтирилган.

Мактабда 84 та тўғрақ фаолият олиб боради. Бундан ташқари, кўплаб лойиҳалар илгари сурилади. Ўқувчиларнинг иштиёқини кучайтириш мақсадида татбиқ қилинган “Хумо пул бирлиги” ана шундай лойиҳалардан биридир. Бу “пул бирлиги” мактабнинг ўз логотипи билан ишланган бўлиб, фақат бир марта мактаб ҳудудидагина ташкил қилинадиган ўқув қуроллари ярмаркасида фойдаланилади. Яъни, ҳар йигирмата “5” баҳо учун ўқувчи беш “хумо”дан бериб борилади. Ўқувчи олган “хумо”ларини ярмарка бўладиган кунга қадар йиғиб боради ва ўзидаги “хумо”лар қийматида дафтар, ручка ва шунга ўхшаш ўқув қуролларини бепул олиш ҳуқуқига эга бўлади. Сум билан “хумо” эквиваленти эса сотиб олинган ўқув қуролларидан келиб чиқиб ҳисобга тўғриланади.

Эътиборлиси, “Менинг галереям” бурчагида ҳар ҳафта бир ўқувчининг чизган ва ясаган буюмлари қўйиб борилади экан. Айниқса, кўгирчоқ спектакли учун театр бурчаги тайёрланиб, унда ўқитувчилар томонидан ҳар хил эртак ва пьесалар намоиш этилишидан ҳайратга тушдик. Мактаб радиоузелида вақти-вақти билан мактаб мадҳиясининг янграши ишларнинг янгича олиб борилаётганидан дарақ. Синфлар кесимида мунтазам ўтказиладиган “Китобхон она” танловининг навбатдаги босқичига эса ўзимиз гувоҳ бўлдик. Танлов Худойберди Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” асари асосида, 2-синфлар оналари ўртасида бўлиб ўтди. Олтмиш нафар онанинг олти гуруҳга бўлиниб, асар сюжетини, қаҳрамонлари ва ҳар бир детали бўйича қизгин баҳслашганини кўриб, “мана,

бўлар экану”, деганимизни билмай қолдик. Танлов шартига кўра, асарни ўқиб чиққан оналар унинг моҳиятини нутқи, суратлари ва ребуслар орқали ифода-лаб беришди ва бу олти баллик тизимда баҳоланиб, голиб гуруҳ ташаккурнома-лар ва совғаларга эга бўлди.

– Китобхонлик баҳсларидан шунинг англадимки, китоб ўқиган онанинг бола-ти жиноятга қўл урмас экан, – дейди ёш она Гулжаҳон Ёқубова. – Китоб ўқимаган аёл эса болага тўғри тарбия беролмаслиги мумкин. Худо билади, англамаган ҳолда тарбияда қанчадан-қанча хато-ларга йўл қўяётган эканмиз. Яна бир гап: шу танлов туфайли ҳар ҳафтада оиламиз учун битта китоб сотиб оляпмиз. Демакки, бу танловда олти миш китоб сотиб олинди, олти миш хонадонга зиё кириб борди.

Ҳа, мактабнинг иш коэффиценти кейинги тўрт йилда уч қарра ошгани бежиз эмас. Бу шунчаки фаолият қамрови эмас, таълим-тарбия борасида ҳам натижа шундай. Ўқувчилар руҳияти, ўқитувчилар кайфиятидан ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

– Одатда муваффақиятга эришаётган болаларимга эмас, ўз йўлини топа олмаётган ўқувчиларимга эътибор қаратаман, – дейди директор. – Бола ўқишга қизиқмаётгани, нимага қизиқиши борлигини ўрганиш керак. Ҳаммани олим қилиб бўлмайди, лекин одам қилиб тарбиялашимиз шарт. Билим олишга шашти паст қизларим бор. Улар тикувчилик қилади мактабда. Шундай ўқувчиларимдан биттаси технолог устозига бичим борасида у билмаган нарсани ўргатиб қўйди. Тикувчи устоз бир метр матодан иккита фартук чиқарса, ўқувчи

қизим тўртта чиқариш мумкинлигини кўрсатди. Мактабда тикув машиналари бекор турмасин, ишлатинглар дейман. Қизлар чойшаблар, дастурхонлар тикиб, совғабоп қилиб қўтиларга жойлашяпти. Улар тайёрлаган маҳсулотларни ўқитувчиларнинг ўзлари сотиб олишяпти. Керакли хомашёни ўзим олиб бераман. Бирор ўқувчи мактабда бекор юрмайди. Ҳаммаси банд. Энди ўзингиз ўйланг, кўни бўйи бўш қолмаган бола уйига чарчаб боргач, телефон титиб, бўлмағур томошалар кўришга вақт топа оладими? Йўқ. Бунинг ўрнига у янги гоё ишқиди ёнса, ўйлаётган режасини тезроқ амалга оширишга бел боғласа... Ўқувчиларим орасида шунинг учун ҳам жанжалкаш, тарбияси оғир болалар йўқ.

Ўқувчилари билан кимўзарга балиқ боқаётган, куш бозорга бирга бориб юрган халқ таълими аълочиси Дилоро Жумаевдан таълим-тарбия соҳасида кўп нарсани ўрганиш мумкинлигини ҳис этдик. Бир келса қўша-қўша дегандай, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Муродхон Жўраев мактабнинг кириш жойларига бетон қўйдирди. Ўз округидаги олти мактабга 19 донадан сўнгги русумдаги компьютерлар, электрон доска ва кондиционергача ўрнаттириб, смартоналар ташкил қилди, ҳатто мебелларигача олиб берди. Яна шу инсон туфайли мактабга келган машхур киберспорт устаси билан учрашув сабаб, киберспорт ҳам ривожланди.

Ўтган йили эса Австралияда фаолият юритаётган Асадбек Умаров бўлиб ўтган ота-оналар йиғилишида қатнашиб, бундан кейин мактабимиз учун ҳар йили беш минг доллардан маблағ ажратиб боришини эълон қилди. Тадбиркор йигит укаси шу ерда ўқийгани туфайли мактаб фаолияти билан танишлигини айтди. Австралияда ўзининг қурилиш фирмаси борлигини билдириб, фақат таълимга йўналтириш шартин билан ҳомийлик тақдирини берди. Шунингдек, шу мактабни тугатган ўқувчи Австралиядаги олий ўқув юртига ўқишга кирадиган бўлса, унинг шартнома пулини тўлиқ тўлаб беришини ва ўша талабани ўз фирмасида иш билан таъминлашини ҳам эълон қилди. Тадбиркор йигит дастлабки ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Чунки, у яхши билади, таниқли француз сиёсатчиси Жорж Дантон айтганидек, “Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир”.

Муҳайё ПИРНАҲОСОВА





ШОҲ ВА ШОИРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

(Бошланиши 1-саҳифада)

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдимۇ?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?!
Мени хор эттию қилди муддаини парвариш,
Дахри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдимۇ?
Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул кўёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдимۇ?
Ошиқ ўлгач, кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдимۇ?!
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдимۇ?*



дошимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Улуғ бобомизнинг адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид асарлари бизга тарихимиз ҳақида жуда кўп маълумотлар бериш билан бирга, ўша давр ёзма манбаларини

ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бобур номли халқаро жамоат фонди Қирғизистон бўлими раҳбари, профессор Беғижон Аҳмедов, бобуршунос олим Ҳамидулло Болтабоев Бобур ҳаёти ва ижоди, ўлмас асарлари, бобурийларнинг Ҳиндистон, умуман, жаҳон тараққиётидаги ўрни ва роли, бугунги кунда Бобур ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Адабий тадбирда Андижондаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар, шунингдек, Андижон давлат университети талабалари, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан Бобурнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқилди.

Тадбир якунлангач, Андижон шаҳрининг Навоий, Амир Темуր шоҳ кўчалари бўйлаб ёшларнинг “Бобур издошларимиз” шиори остида юриши ўтказилди.

Адабий тадбир куннинг иккинчи ярмида вилоят ҳокимлигида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий-адабий меросининг учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда тутган ўрни” мавзусидаги илмий анжуман доирасида давом этди.

Анжуманда Бобур ижодининг ўзига хос қирралари, илмий-ижодий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, бугунги авлодни тарбиялаш, тафаккурини юксалтиришдаги ўрни, роли ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунига бағишланган бу каби тадбирлар вилоятдаги меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида бўлиб ўтди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

БУЮК САРКАРДА ЁДИ

Адиб, олим, йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги муносабати билан Адиблар хиббонидидаги шоир ҳайкали пойида “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги университети билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда зиёлилар, ёзувчилар, шоирлар, ҳарбийлар, ёшлар жам бўлишди.

Дастур аввалида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг асарлари ҳамада ҳарбий хизматчилар ва ёшларнинг тантанали саф юриши ўтказилди. Шундан сўнг, Бобур ҳайкалига ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида гуллар қўйилди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида “Шоирлиги шоҳлигидан, шоҳлиги шоирлигидан улуг” ҳазрати Бобур қисқа бўлса-да, нечоғли зиддият ва қарама-қаршиликлар, матонат ва жасоратларга бой, сертаҳлика ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтгани барчага яхши маълум эканлигини таъкидлади. Вақт ўтгани сари улуг аждодимиздан қолган улкан ижодий мероснинг кадр-қиммати янада залвор ва салмоқ касб этаётганини айтди.

— Бугун юртимиз бўйлаб Бобур илмий-адабий меросини ўрганишга кенг эътибор қаратилмоқда, — деди Жамоат ҳавфсизлиги университети бошлиғи ўринбосари, полковник Икром Маҳмудов. — Унинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Унда ёш ижодкорлар, курсантлар томонидан Ватан мадҳини тараннум этувчи Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди, ҳофизларнинг қўшиқлари тингланди. Ҳарбийлар шоирнинг ҳаётига бағишланган сахна кўринишларини намойиш қилди. Ёш рассомларнинг расмлар кўргазмаси эса барчани ўзига жалб этди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бош мутахассиси

“Андижоннинг ...қовун ва узуми бисёр яхши бўлур. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас”

Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ташаббуси билан ушбу мамлакатнинг Бурса шаҳрида адиб, олим, саркарда, йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.



адабий меросини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, шоир ижодининг ранг-баранг қирралари тадқиқи ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

“Бобур — буюк аждодимиз. Унинг асарлари шу қадар серқирраки, теранроқ мутолаа қилган ҳар бир киши ўз холи ва вазияти учун муҳим ўғитларни кашф эта олади. Айниқса, сиз каби Ватандан узокда таълим олаётган ёшлар

римиз учун буюк аждодимиз ҳаётида ўрнак жиҳатлар бисёр, — деди Зулхумор Холмонова. — Бобур Ватанга муҳаббат қандай бўлишини ўз ҳаёти давомида сидқидиллик билан кўрсатиб берган, асарларида ҳам ифода этган зот. У Ҳиндистонда ёзган сатрларида она юртини бот-бот соғинч билан тилга олади. Жумладан, сатрларидан бирида “Андижоннинг ...қовун ва узуми бисёр яхши

бўлур. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас”, деб ёзади”.

Тадбир давомида буюк аждодимизнинг ҳаётида бугунги ёшларимиз учун юқоридаги каби кўплаб намунавий жиҳатлар борлиги таъкидланди. Жумладан, Бобурнинг ўз фарзандларига ва турмуш ўртоғига бўлган муносабати ва ҳурмати, оила ичидаги ахлоқ-одоб ва меҳр-мурувати ўрнак экани билдирилди.

Қайд этилганидек, Бобурийлар томонидан барпо бутилган Тоғмаҳал — бутун инсоният тарихида меҳр-муҳаббатни ақс эттирувчи энг муҳташам ёдгорликдир. Ушбу меъморий дурдона аждодларимиз томонидан аёлга кўрсатилган эътибор ва кадр-қиммат нақадар юксак бўлганини ёрқин кўрсатиб турибди.

Маърифий тадбир якунида талаба ёшлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, талабалар томонидан Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди.

“Дунё” АА,
Бурса ш.

ЭЪТИРОФ

Кўни кеча Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти совриндори Жалолиддин (Равшан) Миртожиев (1954-2015) таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ҳайкалтарош яшаган пойтахтимизнинг Амир Тему́р кўчаси 89-“А” уйда ёдгорлик лавҳаси ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида “Мен ўзбекнинг мусаввириман” номли хотира кўргазмасининг очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

ҲАЙКАЛТАРОШЛАРНИНГ АДИБИ

Тадбирларда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ рассоми Жасвант Анназаров ва бошқалар атоқли ҳайкалтарошнинг меҳнатқашлиги, меҳрибон устозлиги ҳамда ижодининг ўзига хосликлари ҳақида ўз фикрларини айтиб ўтдилар.

Ҳар йили Андижон шаҳри марказида буюк шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур шарафига ўрнатилган маҳобатли ҳайкал пойига гуллар қўйганимизда, ушбу ёдгорлик муаллифи, Ўзбекистон халқ рассоми Жалолиддин Миртожиев (1954-2014) ёдимга тушади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Бобур бобомиз таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан ўрнатилган бу ёдгорлик нафақат андижонликлар, балки барча юртдошларимиз қалбига мислсиз гурур бағишлаган эди. Ёдгорлик ҳақида Жалолиддин ака 2013 йилда бўлиб ўтган суҳбатимизда: “Бу биринчи ва муваффақиятли катта ишим. Ижодий парвозларга йўл очган асарим. Мени доим Бобур бобомизнинг руҳи қўллаиди!” деган эди.

Ҳақиқатан, ҳамиша қизгин ижодий жараён ичида бўлган ҳайкалтарош қисқа умри давомида кўплаб ўлмас асарлар яратиб, халқимиз, адабиёт ва санъат ихлосмандлари қалбида ўчмас из қолдирди.

Асли тошкентлик бўлса ҳам, Жалолиддин аканинг ёшлиги Андижонда ўтган, шу ерда ўрта мактабни битирган, 1977 йили Тошкент театр-расомчилик институтини тугатган, меҳнат фаолиятини ҳам Андижонда бошлаб, 1997 йили пойтахтга келган. Шу сабабданим, водий халқининг орзу-армонларини чин қалбдан ҳис этган рассомга бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалини яратиш бахти nasib этгандир.



Абдурауф Фитрат ҳайкалини ишлаш жараёнида. 1996 йил.

Жалолиддин Миртожиевнинг 70 йиллиги муносабати билан туғилган кўни (17 февраль) арафасида унинг ижодига бағишланган катта кўргазма очилишини бир жиҳатдан Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунига боғласа ҳам бўлади. Чунки намойиш этилаётган асарлар орасида Бобурнинг Андижондаги ҳайкалидан бошқа 1995 йилда яратилган “Чавгон ўйнаётган Бобур” номли композицияси (ҳозир бу асарнинг асли Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги музейда сақланади) ҳам, Адиблар хиббонига ўрнатилган Бобур ҳайкали ҳам ўрин олган. Ҳар уч асар бир-биридан ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқланиб, буюк бобомиз ҳаётининг турли даврларини ақс эттиради.

Жалолиддин ака ўз ижодини адабиётга бағишлаган, деб айтиш мумкин. Бунга кўплаб мисоллар бор. Айниқса, дастлабки ишларидан бири — “Поэзия” номли бежирим ҳайкалчасини яратилиши бежиз эмас. Бир қарасангиз, самовий оҳангга маҳлиё бўлган, бир қарасангиз хиргойи қилаётганга ўхшаш болакай тимсолида муаллифнинг ўзини тасаввур қилсак ҳам хато бўлмайди. Бу илҳом онлари... Ирланд шоири Перси Биши Шелли заъкиёб лаҳзани ўзгача таърифлаган: “Оламини унутиб, ёлғиз ўйларга берилган болакай беихтиёр шодлигини хиргойи ва хатти-ҳаракатлари орқали ифодалайди; унинг ишоралари, қўшиғининг оҳанги қалбидаги ёқимли кечинмаларга уйғун келади, жўшқин туйғуларини намён этади”.

Шунингдек, бронзадан ишланган “Қишлоқда ёз”, “Ой тугилиши” сингари шоирона асарлари “Поэзия” ҳақида айтган фикрларимизни тасдиқлайди. Албатта, адабиёт намояндаларининг сиймоларини яратишга бел боғлаган санъаткорнинг ўзи ҳам ҳассос қалб эгаси бўлган.



АҚШ. Конгресслар кутубхонасидаги Алишер Навоий ҳайкали. 2007 йил.

Кейинчалик адабиётнинг сеҳрли дунёсида ҳайратга тушган ҳайкалтарош алломаларнинг сиймоларини ақс эттиришга киришди: мутафаккир Алишер Навоий бобомизга бағишланган ҳайкаллар Япония, Россия, Латвия ва Озарбайжонда ўрнатилди.

Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари алломаларга бағишланган асарлари шарофати билан дунёнинг Вашингтон, Чан-Чун (Хитой), Қоҳира каби унга яқин шаҳарларига бориш бахтига етишди.

Юртимиз алломаларининг сиймоларини меҳр-садоқат билан яратган ижодкорнинг турли жанрлардаги асарлари юқорида таъкидланган давлатлардан ташқари Франция, Корея, Хитой, Туркия сингари унга яқин мамлакатлардаги музейларда сақланмоқда. Миртожиевнинг халқаро миқёсдаги обрўси ҳам ҳавас қилгулик: Токио Фуджи бадий музейининг медали соҳиби, Шанхай университетининг фахрий профессори...

Ҳайкалтарош асарларининг яратилиш саналарига қарасак, Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан Жалолиддин Миртожиев ижодида юксалиш даври бошланганига гувоҳ бўламиз. Юртимиз мустақиллиги шарофати билан миллат тарихининг нурли саҳифалари очилиши ижодкорга сўнамас илҳом, имкон, янги ижодий мавзулар берди. Истиқлол барча соҳаларда тараққиёт йўлини очганидек, санъатнинг маҳобатли ҳайкалтарошлик йўналишида ҳам чинакам ривожланиш жараёнлари бошланди. Бу, айниқса, Миртожиевнинг ижодий фаолиятида аққол кўринади. Республикаимизда йигирмадан ортиқ, хорижий мамлакатларда унга яқин ижодий ишлари эътироф этилди. Миллий маънавиятимизнинг янада ёрқин намён бўлиб бориши, қолаверса, миллитимиз суянчи — улуг алломалар боис, уларга бағишланган асарлари боис халқаро миқёсда танилди.

Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги Адиблар хиббонида Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфияхоним сингари атоқли адибларимизга бағишланган ёдгорликлар ҳам Жалолиддин Миртожиев томонидан ишланган.

Мустақиллик шарофати билан номлари улугланган жадид боболаримиз — Қўлпон (Андижон, 1997 йил.), Фитрат (Бухоро, 1996 йил.), Элбек (Ғазалкент, 1998 йил.) сиймоларининг эскизлари, суратлари билан танишар экансиз, қалбингизда фахр ва ҳайрат туйғулари уйғонади.

Шунингдек, Андижон, Жиззах, Фарғона шаҳарларидидаги “Мотамсаро Она” монументлари, Қарши шаҳридаги “Эл-юрт таянчи” монументи, Самарқанд шаҳридаги Рўдакий, Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий ҳайкали... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Улар ҳали санъатшунослар томонидан чуқур ўрганилиши, муаллифнинг маҳорати, тасвирий санъатдаги ўзига хос услуби илмий жиҳатдан таъриф ва тавсифланиши мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Жалолиддин аканинг тасвирий санъатда бунчалик катта муваффақиятларга эришуви заминда унинг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги ва энг асосийси, Ватанга, адабиётга муҳаббати турганини эътироф этамиз.

ҲУМОЮН АҚБАРОВ



Бошланиши 1-саҳифада

“Санбал” чиндан Ҳиндистондаги бир вилоят ва бу ном “Вақоеъ”да ҳам келади. Лекин “татйир” сўзи мавҳум бўлиб қолмоқда. Бундай жой номи “Вақоеъ”да ҳам, Ҳиндистонда ҳам йўқ.

Аслида байтда Бобурнинг нафақат ўзининг, балки ўғли Муҳаммад Ҳумоюн мирзо тақдирига ҳам ишора бор. Чунки воқеаларнинг тарихий ечими айнан шу ўринда Ҳумоюн ҳаётидан бир ҳикоя қаламга олинганини ургўлайди. Масалани ойдинлаштириш мақсадида “Вақоеъ”га мурожаат этсак.

Асарнинг ҳижрий 932 (милодий 1525-26) йил воқеалари баён этилган қисмида Бобур 13.844.000 танга даромадга “...Санбални дағи Ҳумоюнға иноят қилдим”, дея таъкидлайди. Шунингдек, асар охирида келган (936/1529 йил) воқеалар қисмидаги сўнгги тарихий ҳодиса ҳам айнан Санбал вилоятига юборилган Ҳумоюн ҳаётининг бир қийин пайти билан боғлиқ. Диққат қилайлик:

“...Ва Муҳаммад Ҳумоюн, Санбалғаким, анинг жойғири эди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран ани ер ва суийи хуш ёкмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узокқа тортар. То онки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлига келтуруб, Деҳлидин кемага солиб келтурсинларким, ҳақими ҳо-зиқлар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуг киши эди, арзға етқурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳҳат бергай. Мен кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзим тасаддуқ бўлайин. Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға теғурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилгурменким, хол анга мушқил бўлибтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетокатлигини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб,



уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. У сиҳҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб иккилдим...”

Матндаги остига чизилган сатрларга қаралса, “дунё моли”дан ҳам ортиқ бўлган ўз жонини фидо қилаётган Бобурнинг эътирофлари ҳаққонийлиги хайратланарли. Фарзанди учун ўша машҳур олмосни эмас, ўз жонини фидо этиши росмана мардлик намунаси эди. Кейинги ўринда у бутун “аёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб” Ҳумоюнға байъат қилдиргани, тахтни топширгани ва олдидаги кишилар ҳам буни қабул этганларини ёзади.

Модомки, масала шундай экан байтдаги “татйир” умуман хато бўлади. Шеър тўғри ва аниқ берилган Рампур нусхасида бу сўз “назир” деб, кейинчалик (XVI асрнинг иккинчи ярмида) китобат этилган Истанбул университети нусхасида бу сўздаги (س “йо”) ҳарфи нуқтала, қолган ҳарфлар эса нуқтасиз

берилган. Шу боисдан ҳам кейинчалик уни ўқишда янглишишлар келиб чиққан бўлиши эҳтимол. Демак, байтни:

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса, Кимга ҳаваси Санбалу назир қилибтур? — дея ўқиш керак.

Энди, “Бобурнома”дан келтирилган воқеалар билан боғласак (чунки шеър айнан шу вақтда ёзилган), қўшмисранинг мазмуни аниқлашди. Яъни кишини дам у, дам бу томон йўллагувчи тақдирдир; агар шундай бўлмаса эди (Ҳиндистоннинг) Санбал(деган жойи)ни ўз фарзандига назир (тенг) қилишни ким ҳам ҳавас қиларди. Чунки тақдир йўлламаसा эди, ўша томон борилмаган бўлурди. Ҳазалнинг кейинги байтларининг мазмуни ҳам шундай ечимни беради.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим, Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.

Яъни Бобур: Ҳиндистонни фатҳ этиш билан бу юрдагиларга зулм қилмадим, аксинча, кўп яхшиликлар қилдим; шунингдек,

ўзим билан келган юртдошу қўл остимдагиларга ҳам бениҳоя ҳиммат кўрсатдим, қўллаб кўнғилларни хушнуд этдим; аммо бу яхшиликларим ҳосилидан мен ўзим фойда кўрмадим, бильакс, бу ер мени ғамгин этиб, ранжитди, демоқда.

Яхши умидда ўғлига ҳаёда қилган Санбал вилоятида Ҳумоюннинг олти ой ўтиб-ўтмай қаттиқ хасталаниши Бобуршоҳни чуқур изтиробга солгани ва бахшидасидан кейин ўз умрининг ниҳоясини сезиб қолгани ғазалнинг сўнгги байтидан маълум бўлади:

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,

Маъзур тут, эй ёр, ки тақсир қилибтур. Яъни Бобур шунча йил давомида сендан йироқларда қолди-ю, ўлмади; эй ёр, уни маъзур тутгинки, шу иши сенинг олдинда айбидир.

Аслида, ўлимни бот-бот эслашдек тушкун кайфият Бобурдек ҳаётсевар шоирга ётдек туюлади. Лекин у ҳаётининг баъзи дамларида шу кайфиятни ҳам ўзидан кечиргани маълум. Биз шарҳни келтираётган “қилибтур” радифили шеърда эса бу тахлит кайфиятдан кўра афсус-надомат оҳанги устунроқ. Шу маънода, мазкур ғазални Бобур умрининг сўнгги йилларида ёзилган асарларидан бири десак ўринлидир.

Бундай хулосага сабаб эса қуйидагилардир:

Аввало, бу шеър илк бора Бобур девонининг ҳижрий 935 (милодий 1528) йилда кўчирилган Рампур нусхасида келади (сўнгра Истанбул университетидеги қўлёзмада), шоир девонининг бошқа (масалан, Париж, Лондон, Ҳайдаробод) нусхаларида учрамайди.

Ҳиндистоннинг Рампур шаҳри Ризо кутубхонасидаги (19 рақамли) бу қўлёзма шоир ижодий меросини ўрганишда жуда муҳим ҳисобланади. Қўлёзма факсимильесини дастлаб инглиз шарқшуноси Денисон Росс (Калькутта, 1910), кейинчалик академик С.Азимжонова (“Индийский диван Бабура”. “Фан”, 1966) ва профессор Азизиддин Хусайн (Рампур, 2014) эълон қилган.

Тўғри, қўлёзма тўлиқ девон шаклида эмас, 22 варақдан иборат кичик ҳажмли

тўплам. Унда “Рисолаи Волидия”, 2 маснавий, 24 рубоий, 2 ғазал, 3 қитъа ва “Рисолаи аруз”дан бир парча ўрин олган, холос. Қўлёзма чиройли таълиқ хати билан кўчирилиб, саҳифаларига олтин суви юритилган жадваллар ишланган, унвон ва безакли. Янада аҳамиятли жиҳати, фақат шу манбадагина Бобурнинг ўз ёзуви (автографи) сақланиб қолингандир. Буни эса, қўлёзманинг дастлабки саҳифасида Байрамхон ва охириги варағи хошиясида (Бобурнинг авлоди) Шоҳ Жаҳон тасдиқлаб кетганлар. Демак, манбаининг айрим саҳифалари хошиясида Бобурнинг тузатма-тахрирлари бор.

Охириги саҳифадаги Бобур ёзуви “Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни...”, дея бошланувчи рубоийдир. Уни ёзгач, муаллиф қўлёзмани катта ўғли Муҳаммад Ҳумоюн мирзога жўнатган. Бунга оид далил “Вақоеъ”да ҳам келади (357 б саҳифа).

Энди шарҳланаётган ғазал матнига қайтсак.

Асарда ишора қилинган воқеалар ва “ҳажри” “пир” қилиб, охирида уэр сўралаётган “ёр” масаласи ҳам Бобур умрининг охириги йилларига ишора қилади.

Ҳазал қофияларини яна бир қарра ёдга олайлик — пир, таъсир, тақдир, назир, дилгир, тақсир.

Мазкур сўзлар воситасида шоир жуда қизик ҳолат ва лол қилувчи ажиб манзара чизади. Уларга диққат қилсак:

— биринчи байтда тақрир санъатини қўлаб, “ғурбат” ва “ҳажр”ни (иккинчи мисрада “ҳижрон” тарзида) асосли келтиради ва “қариликка” айнан шулар “таъсир” қилганини изоҳлайди;

— иккинчи байтда эса, “тақдир”нинг ўртага тушиши, унинг банда сифатидаги қанчалик ҳаракатию Тангрининг ато этган насибаси ўринли билдирилган;

— учинчи байтдаги “назир” ҳам бежиз эмас; чунки инсонни Санбалгами, бошқа ергами учиргувчи аслида тақдир шамолдидир, сен унга ҳар қанча назир қилиб, тенглашишга ҳаракат қилмагин, барибир унинг ёзиги бўлади;

— тўртинчи байтдаги “дилгир”лик шунча

яхшилигу кўнғил олишлиқдан кейин “фойдага қолиб турса”;

— бешинчи байтдаги йироқларда қолиб, ўлолмай тургани айнан “тақсир”(қусур, айб, гуноҳ)и бўлиб кўринади ва шунинг учун ёридан уэр сўрайди.

Бу чизгилар эса жуда бадийи ва айни дамда табиий чиққан.

Шоирнинг ҳаёт йўли билан ғазалдаги воқелик қиёсланса, қаҳрамон яна Бобурнинг ўзи, воқеалар эса унинг умр манзараларидир.

Хўш, Бобуршоҳ бутун умри давомида интилиб, жангу жадалларда шижоат кўрсатиб, фитнаю балоларни енгиб, дилдан қуйиб, ёдлаб эслагани ғазалдаги бу “ёр” ким?

Албатта, иймонли бир муъмин сифатида Бобур мирзо Тангри таоло висолидан ноумид бўлмаган ва уни кўп васф этган. Қолаверса, реал маҳбубага қарата битилган ошиқона тизмалари ҳам кўп. Лекин юқорида экири кечган шеърдаги “ҳажри пир” қилган “ЁР”ни эса биз бу ўринда камоли қониқиш билан — БАТАН, дея оламиз.

Биринчи байтда “ой ҳажри” ҳақида гап кетаётгани аён. Аммо Бобур она ватанини ўзига хос равишда турли тимсолларда бера олганини ҳам кўздан қочирмаслик керак. Қолаверса, “ой” — Бобур лирикасида бот-бот учраб турадиган тимсолдир. Агар мазкур ғазалнинг “шарҳи ҳол” эканлигини яна ёдга олсак, бу жиҳат айнан таъкидланган мавзунинг Бобур назмида акс этганини исботлайди.

Шубҳасиз, Бобуршоҳ ўз ҳаёти давомида жуда кўп аламу изтироблар билан бирга фараҳбахш онларни ҳам бошидан кечирган. Бироқ юқоридаги каби қалб мисраларига таянган ҳолда комил ишонч билан айтиш мумкинки, у бир лаҳза бўлса-да она-Ватан ёдини, унга қайтиш фикрини ҳаёлидан кетказмаган, тўғрироғи, кетказза олмаган. Таҳлил доирасига тортилган юқоридаги ғазал ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг ана шу дард билан ёзилган энг сўнгги асарларидан биридир.

Отабек ЖҲРАБОВ,

филология фанлари номзоди, доцент.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?!

ҲАЗАЛЛАР

Хати бинафша, ҳади лола, зулфи райхондур,
Баҳори хуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги, менги ою дағи юзи, сўзи гулу мул,
Қади равону тани жону эрни маржондур.

Қошида чин, кўзида кийну ангабин лабида,
Сўзида захру лекин тилида дармондур.

Қошинга кўп бора олмон, нетай ораликда,
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафга секритиб от,
Саманди ноз инонини бир бери ёндур.

Не навъ васф қилай сувратинг латофатини
Ки, хуснунга сенинг, эй руҳ, ақл ҳайрондур.

Жафову жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,
Не ихтиёр манга, ҳарне қилса султондур.

Балойи ишқки, ҳар дам манда жафоедур,
Бу ишдин кеча олмон ажаб балоедур.

Хати лабиға туташ бўлса, эй кўнгул, не ажаб,
Ки Хизр чашмайи ҳайвонға раҳнамоедур.

Ярар бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ тут менга соқийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибаға бўлди рафику, Бобурнинг
Рафиқе ҳамдами ҳажринда оху воедур.

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз
Ки, бош кўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,
Бу йўлга қўйма аёқ, санга бош керак бўлса.

Кўюб аёғиға бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошиға туфроқу озғиға тош керак бўлса.

Сенинг била бари эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлғуси санга, ул ёри хуш керак бўлса.

Ғурбату ҳижронға қолдим, оҳ ул жон илгидин,
Жонға еттим эмди ғурбат бирла ҳижрон илгидин.

Кўрсатур гаҳ тийғу гаҳ ўқ ҳолатимни билмайин,
Не балолар кўрадурман ёри нодон илгидин.

Эл фиғонимдин бежону мен бу жондин, эй ажал,
Қил халос элнию мени жону афгон илгидин.

Бобур, ул ой ҳажрида ишинг баса душвор эди,
Шукрим, қутқарди ўлум сени осон илгидин.

Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча бехуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму,
Сенингдек дард паймову, менингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умримда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

РУБОЙЛАР

Жоно, битигинки, бўлди маркум манга,
Меҳнат била ғамни қилди маъдум манга.
Кўргач ани гарчи шод беҳад бўлдум,
Мазмуни, вале, бўлмади маълум манга.

Қайғунгни чека-чека қарибдур Бобур,
Раҳм аилаки, ўзидин борибдур Бобур.
Норанж юборди сангаким, билмагайсен,
Яъники, бу навъ сарғорибдур Бобур

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатда киши.
Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта, киши.

Аҳбоб, ййғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх бу дурур, тенгри учун,
Бир-бирини неча куни ғанимат тутунгиз.

Сен гулсену мен ҳақир булбулдирмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен кулдирмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга кулдурмен.

ТУЮҚЛАР

Улки, ҳар кўзи ғизоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлгон айтти ул манга,
Гар десам ёлгончи они чиндурур.

Сен киби бир дилрабои билманам,
Ошики содиқки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз,
Ўзга ошиқ ашки янглиғ билманам.

То кўнгул бердим ўшал қойсорига,
Боргонини билмадим қой сорига.
Дўстлар, ёрға мени соғиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсорига.

Жонға солди даф ғурбат норини,
Кўз ёшим бўлди муғулнинг норини.
Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиққулу андин норини

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

ҚИТЪАЛАР

Ноумид бўлдум, эй Мўғул, сендин,
То эшитгимки, Андижон бордин.
Айтгон сўзга келдим, аммо, сен
Яхши келдинг демай, ямон бордин.

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳдидин юв илик!
Бобуро, икки подшолигдин
Яхшироқ бу замонда бир беклик.


Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатта,
Ватанни не қилаю ўз дийёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?!



ТИЛБИЛИМ

БОБУР МИРЗОДА СЎЗ НИСБАТИ

Келинг, бир тажриба қилиб кўрайлик. Хўш, ўтган мингйиллик ичида тилимизда қандай ўзгаришлар юз берди? Бу жараёни турли асрларда яшаган мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари асарлари асосида ўрганишга ҳаракат қиламиз:



XI АСР:
ЮСУФ ХОС ХОЖИБ. “Қутадғу билиг” асарида:
“Сэвуг савчы ығты бағыр-сак ыди
Будунда талусы кишиде кәди”.
(Маъноси: Мехрибон эгам севикли расул юборди,
(У) халқ орасида сараси, кишилар орасида яхшиси эди).
Мазкур байтда бирортаям арабча ёки форсча сўз йўқ. Шунинг учун фоиз ҳисобида:

– туркий сўзлар – 100%
Қарийб олти ярим минг байтни ўз ичига олган “Қутадғу билиг” даги аксарият байтлар худди шундай, асарда ўзлашган сўзлар ниҳоятда кам, тахминан 5-10 фоизни ташкил этади, дейиш мумкин.



XIV АСР:
САЙФИ САРОЙИ. “Ғулистони бит-туркий” асарида:

“Бу сўздан бир неча кун кечти даги султонға бир оғир душман черики келди. Булар даги черик ясаб, қарши юридилар. Икки черик муқобил бўлди. Аввал майдонға султоннинг ул қисқа бўйли ўғли кирди...”

Сайфи Саройи асарида олинган ушбу кўчирмада ҳаммаси бўлиб 31 сўз бор. Шулардан:

- 25 сўз (бу, сўз, бир, неча, кун, кечти, даги (2 марта), бир, оғир, черик (3 марта), келди, булар, ясаб, қарши, юридилар, икки, бўлди, ул, қисқа, бўйли, ўғли, кирди) – туркий (80,5%);

- 4 сўз (аввал, султон (2 марта), муқобил) – арабий (13%);
- 2 сўз (душман, майдон) – форсий (6,5%).

Фоиз ҳисобида:

- туркий – 80,5%;
- арабий – 13%;
- форсий – 6,5%.

Бу нисбатларни бутун асарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.



XV АСР:
АЛИШЕР НАВОЙИ. “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида:


“Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шухрат тутуб эрди, алар даги илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди”.

Навоий асарида олинган ушбу парчада ҳаммаси бўлиб 39 сўз ишлатилган. Шулардан:

- 17 сўз (бу, қилурлар, эрди (5 марта), айтурға, кўргузурлар, ул, тутуб, алар, даги, қилиб, кўп, ўқурлар, бўлурлар) – туркий (43,5%);
- 19 сўз (ва (4 марта), фақир (2 марта), фақр, тарик, далолат, иршод, назм (2 марта), тарғиб, авқот, шухрат, илтифот, баъзи, абёт, мажолис) – арабий (49%);
- 2 сўз (чун, Хуросон) – форсий (5%);
- 1 сўз (хушвақт) – форсий+арабий (2,5%).

Фоиз ҳисобида:

- туркий – 43,5%;
- арабий – 49%;
- форсий – 5%;
- форсий+арабий – 2,5%.



Бу нисбатларни бутун асарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

XV АСР ОХИРИ – XVI АСР БОШИ:
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР. “Бобурнома” асарида:

“Бизнинг черик ва мўғул черики хабар топиб, бир пора кишини от яланғочлантуруб, сувдин кечурдилар, кўмак келганлар олдараб кемани юқори тортмай кечган еридин-ўқ қўябердилар. Қўрғонға ўта олмай қуйи туштилар. Бизнинг черик ва мўғул черики туш-тушдин от яланғочлаб кира бошладилар. Кемадагилар ҳеч уруша олмадилар”.

“Бобурнома” дан олинган ушбу парчада 42 сўз ишлатилган. Шулардан:

- 37 сўз (бизнинг (2 марта), черик (4 марта), мўғул (2 марта), топиб, бир, киши, от (2 марта), яланғочлантуруб, сув, кечурдилар, кўмак, келганлар, олдараб, кема (2 марта), юқори, тортмай, кечган, еридин-ўқ, қўябердилар, қўрғон, ўта, олмай, қуйи, туштилар, туш-тушдин, яланғочлаб, кира, бошладилар, уруша, олмадилар) – туркий (88%);
- 3 сўз (ва (2 марта), хабар) – арабий (7%);
- 2 сўз (пора, ҳеч) – форсий (5%);

Фоиз ҳисобида:

- туркий – 88%;
- арабий – 7%;
- форсий – 5%.

Бу нисбатларни бутун асарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.



XIX АСР:
МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ (1809 – 1894). “Жомеал-воқеоти султоний” асарида:

“Ва тонгласи душанба куни талъаи субҳдин сўнг ул ҳазрат баъзи саркардаларнинг хизмат ва ғайрат умурида бағоят қоҳил ва ноқобил эрдилар, туғларин олиб, умаройи эзом ва сипахдори киромдин баъзи садоқатандеш ва шижоаткеш мулозимларға инъом қилдилар”.

Огаҳий асарида келтирилган ушбу жумлада 34 сўз ишлатилган. Шулардан:

- 8 сўз (тонгласи, куни, сўнг, ул, эрдилар, туғларин, олиб, қилдилар) – туркий (23,5%);
- 19 сўз (ва (5 марта), талъаи, субҳ, ҳазрат, баъзи (2 марта), хизмат, ғайрат, умур, қоҳил, умаро, эзом, киром, мулозим, инъом) – арабий (56%);
- 3 сўз (душанба, саркарда, сипахдор) – форсий (9%);
- 4 сўз (бағоят, ноқобил, садоқатандеш, шижоаткеш) – арабий+форсий (11,5%).

Фоиз ҳисобида:

- туркий – 23,5%;
- арабий – 56%;
- форсий – 9%;
- арабий+форсий – 11,5%.

Бу нисбатларни бутун асарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Мисоллардан кўринадики, дейлик, минг йил олдин яшаган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида арабий, форсий сўзлар тахминан 5 фоизни ташкил этган бўлса, Навоийда бу кўрсаткич 56,5 фоиз (туркий сўзлар – 43,5%), Огаҳийдан келтирилган парчада эса ўзлашган арабий-форсий сўзлар – 86,5 фоизни (туркий сўзлар – 23,5%) ташкил этапти. Огаҳийда форсча сўзлар ҳам кўп эмас (9%); бундан кўринадики, сўнгги асрларда тилимизда асосан арабий сўзлар (арабий – 56%; арабий+форсий – 11,5%) кўпайган. Огаҳий ўз асарида тахминан 23-25% туркий сўзлардан фойдаланган экан.

Мисоллардан ҳам аёнки, ёзма адабиётимизда йилдан-йилга, асрдан-асрга ўтган сари соф туркий сўзлар камайиб, арабий сўзлар миқдори ошиб борган. Бунинг оқибатида, албатта, жуда кўп туркий сўзлар архаиклашган, кўп ҳолларда арабий-форсий сўзлар уларни истемолдан сиқиб чиқарган. Яхшиямки, кўпгина сўзларимиз оддий халқ сўзлашув тилида, шевадарда, халқ китобларида сақланиб қолган.

Тилга эътибор борасида Бобур ижоди таҳсинга сазовор. Юқорида келтирилган мисолимизда Бобур 88 фоиз туркий сўзлардан фойдаланган, унинг лугатида (юқоридаги мисолда) арабий сўзлар – 7 фоиз (бор-йўғи 3 сўз) ва форсий сўзлар ҳам 5 фоизни (атиги 2 сўз) ташкил этган. Менингча, “Бобурнома” тилининг жозибадорлиги, самимияти, сеҳри ҳам шунда бўлса керак.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

ОДАМЗОДНИ ИНСОНИЙЛИК МАҚОМИГА ҚАЙТАРИШ ЗАРУР

Агар бадий асар дастлабки саҳифаларида ноқўйвчини ўзига бутунлай ром эйтиб, уни номаълум бир оламга олиб кирса, ўтли ҳиссиёт ва изтироблар оташида ёндирса, тасаввурларини остин-устун қилиб, қалбида янги туйғу ва фикрлар уйғотиб, узоқ вақт хаёлини банд этса, у чиндан ҳам зўр китоб дейишга муносибдир.

Атоқли қирғиз адаби Султон Раевнинг 2015 йили Лондонда рус тилида нашр этилган “Қара” (“Жазо”) романи айнан ана шундай хусусиятлари билан эътиборни тортади. Мазкур асар бир қанча халқаро ёзувчилар ташкилотлари, жумладан, Марказий Осиё “ПЕН-клуб”ининг эътирофига кўра, “Йилнинг энг яхши романи” халқаро мукофотиغا сазовор бўлган, дунёнинг турли тилларида таржима қилиниб, бир қатор мамлакатларда босилиб чиққан.

Султон Раев – Қирғиз Республикаси халқ ёзувчиси, хизмат кўрсатган санъат арбоби – нафақат ўз юртида, балки хорижий давлатларда ҳам кенг танилган ёрқин истеъдод соҳибидир. У 2022 йилдан бўён Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРК-СОЙнинг раҳбари бўлиб, бепоян туркий маконда маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳаракатига етакчилик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда биз адабий алоқаларимиз ривожланиб бораётгани туфайли ўз дунёқараши-миз чегараларини кенгайтирган ҳолда, қардош халқларнинг энг сара бадий асарлари билан танишиш ва жаҳон миқёсидаги маданий-эстетик жараёнларда иштирок этиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Султон Раев – сермахсул адиб, унинг қаламига мансуб асарлар кўп. Муаллифнинг ҳикоя ва қиссалари, ўз юрти ва чет эл театрларида намойиш этилган спектакллари доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олинади. Лекин унинг энг муҳим, асосий асари – бу “Жазо” романидир. Ушбу мухташам асар ёзувчининг йигирма йиллик машаққатли ижодий меҳнати самарасидир.

“Жазо” мистик ва фалсафий роман жанрида ёзилган. Мураккаб услубига қарамасдан, асардаги воқеа-ходисалар ва қаҳрамонларнинг ички кечинмалари фавулудда дадиллик билан теран тасвирлангани ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига бамисоли оҳанрабодек тортиб олади.

Роман сюжетига руҳий касалликлар шифохонасидан қочиб чиққан етти нафар беморнинг бошидан кечирган воқеалари асос қилиб олинган. Улар Муқаддас маконни топиш ва пировард оқибатда гуноҳлардан фориғ бўлиш учун йўлга отланганлар. Муаллиф бу инсонларнинг алам ва изтиробларга, азоб ва йўқотишларга тўла ҳаёт йўлини тасвирлайди, қаҳрамонларнинг мураккаб, эътиботли характери ва аччиқ таржимани очиб беради. Беморларнинг баъзилари Муқаддас макон уларнинг қалби ва онги, ўй-хаёллари поклан-

ган жойда эканини англаб етадилар, бошқалари эса ақлу ҳушидан бутунлай жудо бўлиб, ҳақиқат не эканини охиригача идрок этолмайдилар.


Асар қаҳрамонлари табиатан ғоят хилма-хил, аммо уларнинг барчасини Муқаддас маконга элладиган йўл ва илон чақишидан ўлим топиш ҳақидаги муҳдих башорат бирлаштиради.

Муаллиф ҳаётни бешафқат ҳаққоният билан реал тасвирлаб, ўз қаҳрамонлари қандай оғир гуноҳларга қўл уриб, тубанлашиб боришларини очик кўрсатади, айна пайтда уларга нисбатан қалбимизда ачинаш ҳиссини ҳам уйғотади. Адиб руҳнинг абадийлиги, илоҳий жазо, қиёмат куни бўладиган савол-жавоб муқаррар экани, инсон моҳиятида мужассам бўлган Раҳмон ва Шайтон билан боғлиқ ҳиссийётлар, фаришталар ва бузғунчи кучлар ҳақида теран фалсафий мушоҳада юритади.

У руҳий касалликлар шифохонасидан қочиб чиққан беморларни ёрқин характер эгалари сифатида акс эттириб, уларга Император, Таис Афинская, Клеопатра, Лир, Чингизхон, Буюк Александр каби номлар беради. Шу тариқа роман қаҳрамонлари ва улар учун асос бўлган тарихий сиймоларнинг гуноҳ-қирдикдорларини ўзаро қийёслагандек бўлади. Тарихий воқеаларнинг аниқ тасвири мистикани реал ҳодисаларга айлантиради.

Адиб Муқаддас макон йўлидаги мураккаб синовлар орқали қаҳрамонларга муҳим ишоралар бераётгандек туюлади. Лекин уларни ҳамма ҳам англаб етолмайди. Фақат “Худо сизлар учун дўзахни яратгани йўқ, балки сизларнинг ўзингиз уни яратдингиз”, “Сизлар ўзингизнинг инсон эканингизни унутиб қўйдингиз”, “Инсон Ҳақни билган, таниган ҳамма жой Муқаддас макондир”, “Жоннинг сўрови – абадийдир” каби ҳаётий ҳикматларни англаб етганларгина нажот топгусидир.

Асарни мутолаа қилар эканмиз, муаллиф ижод осмониде мутлақ эркин парвоз қилгани, биз кўнникан бадий қолип ва шартли мезонлар, бидъат ва хурофатлар, риёкорлик муҳитига нафрат билан



боқиб, уларни рад этгани, руҳий юксакликдан туриб, нозик, инжа инсоний ҳис-туйғуларни тасвирлашда одатий чеклов ва чегаралардан ғоят узоқлашиб борганини ҳис этамиз. Қаҳрамонлар билан биргаликда биз ҳам замон ва макон кенгликларига, онгу шуур қатламларида ҳаракат қиламиз. Шу аснода инсон қалби нақадар гузал ва соф бўлиши мумкинлигига, дунёни аслида меҳр ва эзгулик бошқариши лозимлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Султон Раев оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан бирида “Жазо” романи унинг дунёга бўлган муносабатининг бадий инъикоси эканини таъкидлаган эди. “Қиёмат куни – бу ахлоқ тарозисидеги сўнгги ўлчовдир. Ортга қайтишнинг имкони бой берилган, ундан кейин фақат тубсиз бўшлиқ бошланадиган ҳаёт-мамот чегараси... Менинг романим ана шу маънавий ҳалокат нуқтаси ҳақида”, – деб таъкидлайди адиб.

Муаллиф, гўёки улуг ўстози Чингиз Айтматовнинг “Одамзотни инсонийлик мақомига қайтариш – бугунги куннинг энг муҳим, ҳал қилувчи вазифасидир”, деган теран маъноли фикрини гўё янгича илҳомлаб олдирган эътирофга туюлади.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам таниқли адиб ва драматург, халқаро миқёсдаги жамоат ва маданият арбоби Султон Раев Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоллигига қабул қилинган эди. Бинобарин, ўз бадий олами билан халқимизга жуда яқин ва тушунарли бўлган бу улкан адиб бизнинг ҳам ёзувчимиздир, деб айтишга ва унга янги-янги ижодий ютуқлар тилашга ҳақлимиз.

Феруза КУБАРЕВА

ТАКЛИФ

ЛУҒАТЛАР – ТИЛ ХАЗИНАБОНИ

“Девону луғотит турк”, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг, хусусан, “Навоий асарлари луғати” (1972), “Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати” (тўрт жилдли, 1983-1985) билан замонавий луғатлар орасида “хронологик” чегара ўрнатиш жоизмикин? Мумтоз адабиётимизда қўлланилган сўз ва сўз бирикмаларидан тузилган махсус луғатлар ҳам, албатта, керак. Аммо байналминал сўзлар кўпроқ ўрин олган изоҳли луғатни эски ва янгига ажратмаган ҳолда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа мумтоз адабиётимиз вакиллари асарларида ишлатилган барча туркий, шунингдек, ўзбек тилига сингиб кетган арабча, форсча сўзларнинг аксариятини умумий ўзбек тили изоҳли луғатига киритиш ҳар томонлама фойдали бўларди.

Алишер Навоий асарлари луғатидаги асру (жуда кўп, ғоят), тегру (...гача, қадар), ўтру (қарши, муқобил, рўпара), алдарамоқ (саросима бўлмоқ, доводирамоқ, шошиб қолиш) ва яна кўплаб туркий сўзларнинг ҳам икки ва беш жилдли изоҳли луғатларга киритилмагани эътирозга аризулик ҳодисадир. Абдулла Орипов “Илоҳий комедия”нинг “дўзах” қисмининг таржимаси қилиш жараёнида XV-XX асрлардаги тилимиз бойлигидан фойдалангани бежиз эмас.

“Маънавий маснавий”нинг олтинчи китобини таржима қилиш жараёнида бир ҳикоятдаги “хабар ташувчиларнинг алмашиб миниладиган оти” маъносини ифодалайдиган сўзни луғатларимиздан излаб тополмадим. Қизиғи шундаки, “Маснавий”нинг аввалги таржимони, “осонроқ” йўлни танлаган шекилли, аслиятдаги ўша сўзни таржима матнидан тушириб қўяқолган... Шоир, олим, таржимон дўстимиз Алишер Сабрий ёрдамида “Девону луғотит турк” да юқоридаги маънони англатувчи “улағ” сўзи борлигидан хабар топдим...

Узоққа бормайлик, ўзимиздаги ва Туркиядаги луғат тузиш жараёнини қийёслайдиган бўлсак, ҳалигача биз англаб етмаган ҳақиқатларга дуч келамиз. Туркияда таҳсил кўраётган ҳамюртимиз, шоир ва таржимон Мирзоҳид Музаффарнинг фикрига кўра, 1930 йилларда Отатурк реформаларидан сўнг туркчадан арабча ва форсча сўзлар олиб ташланади ҳамда уларнинг ўрнини тўлдириш учун истеъмолда бўлмаган ҳамда шунчаки тўқилган бир талай сўзлар уйдрилади. Бу сунъий сўзлар ўша йилларда расмий луғатларга киритилгач, истеъмолда сингишиб кетади.

Бироқ Отатурк секуляризмга (дин ёки диний ақидаларга нисбатан мўътадил муносабатда бўлиш) қарши мусулмон қатлам арабча сўзлардан фойдаланаверади. Ўша даврларда ишлатаётган сўзи орқали кишининг қандай сиёсий қарашга мансублиги аниқланган. Луғатларни иккита мустақил ташкилот – Маданият вазирлиги ва Турк Тил Қўмитаси яратган. Қўмита луғат яратиш асосида давлатнинг энг катта тарғибот-ташвиқот машиналаридан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳукуматга сиёсий исломчи Эрдўган келгач, Қўмитада ҳам арабча ва форсча ни ёқлайдиган диндор тилшунослар фаолият юритган. Аслида, аввалги секуляр луғатнависларнинг қарашларини ҳам бутунлай оқлаб бўлмайди. Чунки улар туркчада ҳамма сўз туркча бўлиши керак, деган мақсадда “автобус” ўрнига халқ мутлақо тушунмайдиган oturgaçlı götürgerç (ўтиригчили оборгчи) каби бемаъни сўзларни тикиштиришган. Шунга қарамай, “компьютер” ўрнига “билгисар” (маълумот сановчиси), “самолёт” ўрнига “учоқ” каби сўзлари халқ тилига жуда яхши ўрнашган.

Бу даврда асосан икки рақиб тараф бўлган: Анкара ва Истанбул тилшунослари. Анкарадагилар отатуркчи бўлиб, луғат қадимги туркий тил, Қошғарийга асосланиши керак, деса, Истанбулдагилар: йўқ, биз олти юз йил сарой тили сифатида арабча ва форсча ишлатдик, уларнинг ҳам ўз ўрни бўлсин, дейди. Анчагача Анкара мактаби луғат соҳасини монополияга айлантиради. Меҳмет Фуод Кўпрулизода, Партав Ноили Бора-тов каби фольклоршунос туркологлар ҳам Анкара мактаби тарафиде эди.

Туркияда асосан икки мингичи йилларда классик адабиётга уруғ берилиб, Эрдўғанининг диний ҳукуматидан сўнг Истанбул мактабининг кўли баланд кела бошлаган. Айна Истанбул мактаби асосида туркча ва турк мумтоз адабиётидаги арабча ҳамда форсча сўзлар луғати, Kubbealtı Lügat шакллантирилди.

Турк тили изоҳли луғатининг бирмунча мукамаллигига сабаб, бизнингча, мафкуравий мўътадиллик бўлса керак. Албатта, у ерда ҳам ғоявий тўқнашувлар йўқ эмас. Аммо уларнинг энг катта омади – мустанлақа бўлмаганида, яъни, ҳамма нарсани ўзлари белгилашган, ҳеч ким четдан келиб аралашолмаган. Бундан ташқари, луғат лабораторияларида катта ёзувчилар ҳам ишлаган, ёзувчи сўз яратиб уни ишлатади, луғат эса тилшуноснинг иши, деган алоҳида қоида бўлмаган.

Луғат тузишда биз шевадардан деярли воз кечганимиз, турклар эса луғатшуносликка етарли миқдорда маблағ ажратилгани учун чекка виллоятларга сўз яратиш экспедициялар жўнатишган. Натижада ўша чекка виллоятларга хос шева сўзлари ҳам умумий луғатга киритилган. Бизда тил ва луғатга оид масалалар билан фақат тилшунослар шуғулланган. Туркияда эса, социолог, тарихчи, антрополог кабилар ҳам бу ишга сафарбар қилинади. Билишимча, тилшуносликни битирган ҳар бир талаба диплом олиш учун камида ўнта янги сўз яратиш, луғатга хос сўз қушиши керак экан. Бизда эса бу иш ўта хусусийлаштирилади. Ҳатто Навоий асарлари луғатини интернетга ўрнатиш учун ҳам Фанлар академиясидан рухсат олиш ва яна аллақандай даҳмазалар борлиги ғоят ачинарлидир.

Хуллас, XI асрдан ҳозирга қадар яратилган асарлардаги барча туркий, шунингдек, тилимизга сингиб кетган форсий, арабий ҳамда шева сўзларининг катта бир қисмини киритган ҳолда ўзбек тилининг ягона, умумий луғатини яратсак; сўз бойлигини оширишда белгиланган маълум бир ҳад-ҳудудлардан воз кеча олсак, – жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўғиршида улар билан “беллаша оладиган” тил бойлигимиз янада равнақ топган бўларди.

Одил ИКРОМ



МУЛОҲАЗА

СИЗ НЕГА КУЛЯПСИЗ?

Маълумотларга кўра, кулги аксарият касалликларни даволашда муолажа ва-зифасини ўтаркан. Чунончи, “кулгитера-пия” деган истилоҳнинг қўлланиши бежиз эмас. “Бемор кулаётган лаҳзаларида юз фоиз соғлом одам ҳолатида бўлади”, деган экан Ибн Сино. Бу ҳикматнинг ҳақ-лигига мен ўз ҳаётимда гувоҳ бўлдим. Жарроҳлик амалиёти ўтказганимдан ке-йинги оғриқларни кулги туфайли унутиб, уйқусизликдан халос бўлган эдим. Айнан ўша пайтларда ҳар оқшом маълум муд-дат ҳажвия усталарнинг дастурларини томоша қилганман ва бу уйқусизликдан қутулишнинг амалий чораси бўлди.

Кулги тана ва тафаккурни соғломлаштирув-чи восита саналади. Кулганда кишининг онги ёришади, дард ва изтиробларнинг захри чиқади ҳамда фасоҳат билан айтилган юмор идрокни ўткирлайди. Қадимда шоҳлар ўз айбини, камчи-лигини билиб олиш учун масҳарабозларга қулоқ тутган экан. Чунки ҳамма мактаб турган бир пайт-да фақат масҳарабозларгина аския орқали уларга камчилигини кўрсата олган. Улар сўз қўллашдаги чапдастлиги билан ҳукмдорлар юзига кўзгу тут-ган. Шунинг учун ҳам кўпинча масҳарабозлар шоҳларнинг эркактойига айланган. Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” асарида ҳам шоҳнинг ҳузурига ҳадди сийиб истаган пайтида кириб борадиган Далҳақ исмли масҳарабоз ҳақи-да ҳикоя қилинади.

Юқорида айтилганидай, касал пайтимда ин-тернетни титқилаб, кулгили дастурларни томоша қилганимда улар атиги бир ҳафтага етди, холос. Аваз Охуннинг ва қисман “Қаҳқаҳа”, “Қалпоқ” гуруҳларининг дастурларидан қониқиб ҳосил қи-лиш мумкин. Умумжаҳон маданияти ва санъати-га Хўжа Насриддин афанди каби зукко, топқир, ҳа-лोलлик ва ростликнинг ёрқин тимсоли бўлган аба-дий қаҳрамонни туҳфа этган миллатнинг кулгиси ҳам, йиғиси ҳам самимий, табиий бўлиши керак. Юсуфжон қизик Шакаржонов, Ҳожибой Тожибо-ев, Муҳиддин Дарвешов каби сўз усталарининг,

Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Фафур Ғулом, Саид Аҳмад, Нёъмат Аминов, Анвар Обиджон каби адибларнинг сермазмун ҳажвий асарлари халқ қалбидан чуқур жой олгани тайин.

Кулги шунчаки кўнгилочар восита эмас, балки панд, танқид ва кези келганда танбёх ҳамдир. Қо-лаверса, муаммоларга халқ эътиборини қаратиш-нинг, шу орқали одамларни маънавий ва маданий камолотга ундашнинг фавқулдод тазкор усули. Жиддий гапнинг таъсири камайганда ёки йўқол-ганда кулги ёрдамга келади. Жамият ва инсон ҳаётидаги камчиликлар ҳажв орқали юзага олиб чиқилади. Табиийки, бундан ижобий ечим кути-лади.

Қизиқчи, умр бўйи еб-ичишидан қисиниб, йиққанларини боласини уқитишга эмас, ҳунарли қилишга эмас, бир кунлик тўйига сарфлаётган, оқ ювиб, оқ тараб катта қилган қизини бировнинг хизматига бериб қўйиб, худди айби бордай унинг уйига ҳали мебель, ҳали кўрпа-тўшак, ҳали тоғо-ра-тоғора овқат ташийётган ота-оналарнинг юзига Афандига хос услубда кўзгу тутати. Тўғри, ҳажв-чи ўзи кўтарган муаммога амалий ечим топиб бе-ролмас, аммо одамлар эътиборини шу муаммога қаратади, киши билмас дақки бериб, томошаби-ни ҳам қулиб, ҳам йиғлашга мажбур қилади. Турк йигитининг ҳайрати ва эътирози эса, вазиятнинг нечоғли жиддийлигини яққол кўрсатмоқда.

Афсуски, мазмунли кулги билан халқ ва жами-ятни маънавий қусурлардан халос этадиган зукко қизиқчиларимиз жуда кам! Эҳтимол, айрим яхши қизиқчиларнинг борлигидан беҳабардирман, би-роқ бу ҳам ҳозирги кулги санъати-га қониқарли ёндошишга изн бермайди ва беролмайди. Жўя-ли кулги излаб, юқорида эътироф этилганлардан ташқари, айрим қизиқчилар ижросида кузатган-ларимиз бачкана кулгиларга ҳам гувоҳ бўляпмиз. Эракка ёки аёлнинг хиёнатини, фаҳшни, бузуқ-ликни тарғиб этувчи, интим мавзу асосий объекти-га айланган “яланғоч” латифалар, ҳатто дастур-лар шу қадар кўп эканки, одамни ёлғизликда ҳам ўзидан ҳаё қилишга мажбур этади. Бундай бачкана кулгилар енгил-елпи ҳаётни, фаҳшни, нашавандлик, ичкиликбозлик, табақалаштириш, маҳаллийчилик каби иллатларни ёшлар онига

сингдирувчи хавfli қуролга айланмаслиги ке-рак.

Шу ўринда қизиқчиларга шундай савол бе-риш жоиз кўринади: “Хўш, сиз шу латифаларин-гизни ўз болаларингизга, отангизга, онангизга айтиб бера оласизми?” Аёлларнинг фоҳишалиги, эркакларнинг бузуқлигини калака қилиш, бу ил-латлардан енгил-елпи кулги ясаб одамларни кул-дириш, бу моҳиятан ахлоқни, маънавиятни мен-симаслик эмасми?! Шунинг баробарида, беҳаё латифаларга қийқириб кулаётган, диди ўтмасла-шиб қолган томошабинга мурожаат қилгинг кела-ди: “Хўш, сиз нимадан куляпсиз? Шунчаки кулиш учун куляпсизми ёки бу кулгингиз устингиздан кулишнинг бир усулими?”

Қадриятларни таққирловчи бачкана лати-фаларга соғлом муносабатни ўзида тарбиялаш кишидан кўп нарсас талаб қилмайди. Бунинг учун кўпроқ китоб ўқиш, маданий савияни, дидни тар-биялаш лозим бўлади. Шунда бемаъни кулгилар устидан кула биламиз. Зотан, маънавий дунёси бой инсонларнинг жиддий гапида ҳам, ҳажвияси-да ҳам бир муҳим жиҳат — ақл ва заковат устун-лик қилади.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА



ТИЛБУЗАР

ТАТНИНГ ПЎНИ

ёхуд қарға билан чўқишганлар

Гапнинг ҳам тўни бўладими дейсанми, Ландавур? Тўни бўлмаса, эшитсанг-чи! Тухта, нервимга ўйнамай тур, айтай! Мана, нимамиш, “Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция хўштак чалада-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хўштак чалмайди?” эмиш. Жа-а анойини топибсанлар-а жаримахўрлар! Бу гапни ким айтган ўзи, қачон айтган ўзи? Қайси замонда айтган? Ҳозир қайси замонда яшайсанг? Ўзимизнинг Кўқон томонларда янгилик қиламан деб Яйпаннинг фойзини кетказган Қаҳҳор темирчини беҳуда маҳалладан бадарга қилишмаган шекилли, йўқса унинг ўғли Абдулла шўро замонида ёзувчи-нависанда бўлиб шунақа гапларни айтармиди? Ўзи шўро замонида жарима каммиди? Ҳай, ўтган ишга саловат! Қаҳҳор темирчининг ёзувчи ўғли Абдулла бу гапни айтган шом чоғида туғилган бола олтимшдан ошиб, етмишни кўзлаб, у ёқ-бу ёғини йиғиштириб, охиратини ўйлаётган бўлса-ю, яна шу гап худдики бу-гун айтилгандек кўзгални турса? Бу қандай бедодлик? Нима дейсан, Ландавур, Абдулла Қаҳҳорга авлиёлик нўқси уриб, илми ладундан хабар тогланмикан? Йўқ дейдиган бўлсанг, мундоқ кўча-кўйда эл ёғи тиниб, говгумдан тонгача телевизўр кўрадиганлардан сўра! Уларга ҳам ишонмасанг, субҳи содиқдан қора кечгача телевизўр билан гуфтигулашиб, умрини беҳуда ўтка-заётган латта-баёвлардан сўра! Ҳай аттанг, Тошпўлод акадай авбощлар қолмади! Улар айтишарди! Бу латта-баёвлардан кўра ўзим тузук. Ўзим айтсам, тунов кун Гулҳаний бобо “Зарбулмасал”ида кифтини ке-лиштирган бошдин оёқ, оёқдин бош чиқар кездда хотун билан наввот чойни ўртага қўйиб, ағдан-бағдан ширин суҳбат қуриб турсак, хотун томдан тараша тушгандек қуриб турганимиз “Миллий” телеканалнинг рекла-масидаги гапни такрорлаб: “Дадаси, Анзибал, тамоқ ориганда, муҳаббат билан”, дейди холос. Об-60, жин-пин чалмадимикан, бундоқ оғзига қарасам, “муҳаббат билан” деганида томоғи тақиллаб кетаяпти. Бирдан аччиғим чиқиб, “Ҳо-ой нодон, ўзингга ўхшаган бу аҳмоқлар доруни айтотпи, доруни!” деб юборсам, “Ҳай, ман нимани айтдим?” деб, шарт қилди кетса бўлади-ми? Наввот чой ҳам қолди. Хотунсиз татирийдим?

Эй, бор-е деб телеграмга кирсам, ўлганнинг устига тепгандай, “ит ҳалок бўлди”, “ҳаётдан кўз юмди” деб турибди. Ит ҳам ҳаётдан кўз юмаркан, уларнинг назди-да инсон мақомига яқинлашиб қолибди-да? Об-ҳаво-

дан беҳроғи қолмади, деб яна телевизўр қаршисига чўқкалайман. Ҳаво ҳароратини эмас, латифа айтяп-ман, деб ўйлашди чоғи. Нима эмишки, “ҳаво совуқ даражага тушиши мумкин” экан! Қаҳратонда ҳаво исирмидики, даражасини айтмайсан, жунбош! Оғзига келганини вайсайдиганларни алқаб турсам денг, “Аку-ла тоғайи, кийик шоҳи”, деб алаҳсираш бошланди... Яна эмишки, чанқоқнинг овози чиқадиғон бўлибди “чанқоқнинг янғроқ бўлсин”ни эшитиб, “астағфуриллоҳ” деб, ёқамга туғлаб қолсам.

Абдулла Қаҳҳор тирик бўлганда уларнинг таъзи-рини беришга кучи етармиди ё асаби чидалмай ўзини бир нима қилиб кўярмиди? Нима дейсан, Ландавур? Бир нима қилиб кўярди дейсанми? Аммо уям темир-дек қаттиқ, жим юрмай, барига жарима солдирарди. Рекломдан тоглангани жаримага бериб, кейин тин-чирди! Соққа кемаса улар ҳам бир бало бўлармиди, дейсанми? Эмди бунақа тилини қарға чўқиган тел-визўрчилар ўзларини бир нима қилиб қўйишса ман виноват бўлмайманми? Нима дейсан? “Анзибал” ку, муҳаббат билан бир дору экан, энди нима бўлса-ям наввот чойнинг обрўси кетмасин, хотунни бориб овутай деб турсам, кулоғимга яна шу каналнинг “Пинолоск” деган дорусига “Қаттиқ муаммонинг юмшоқ ечими” дегани чалиниб қолсамми? Ҳай, кўчала еган жойингга бориб кучанмайсанми, бир ичкетар доруси ортидан пул топанм деб она тилимизни, жонажон тилимизни бузиб ётган очофатлар! Эмди бундайчанги нарсалар-дан наинки “Миллий”нинг миллийлигини пардозлаёт-ганлар, “Севимили”нинг суоқлисини қидираётганлар “Зўр”нинг зўрлигини кўрсатмоқчи бўлаётганлар ҳам улгу олиб ётишганини айтмаса ҳам бўлади! Ўзимиз-нинг давлат каналларидан қўямасин! Э, бу ёғига нима бўлди? “Терингизга ғамхўрлик қиладиган совун “Оли-вия”” дегани нимаси экан? Совун ғамхўрликка ўтса, бизнинг пайшанбалигимиз нима бўлади? Ҳа-ай, аттанг! “Парда осии менинг елкаларимга эмас экан?” Сизнинг елкаларингизга нима бўлмаса? Сизнинг елкаларин-гизга нимаалигини билмай туриб, парда осии сизнинг елкаларингизга эмас эканлигини қаёқдан фол кўрай?

Э, аттанг! “Мавзуни бошқа ёққа бур, Овсар”, дей-санми Ландавур? Эмди ман санга айтсам тунов куни “Jadid”ни вароқлаб турсам...

ОВСАР

ИЛЛАТ

ДОРИ КИМГА ДАРМОН

ёхуд касалликлар занжири

Дори-дармон ҳаётимизда муҳим ўрин тутати. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Юртбошимиз томонидан йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимидаги, фармацевтикадаги оғриқли масалалар, халқни қийнаётган муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Хорижий мамлакатларга йўли тушган юртдошимиз у ерларда дорихоналарнинг ниҳоятда камлиги ва бирор дорининг шифо-кор кўрсатма қоғози(рецепти)сиз сотилмас-лигидан ҳайратга тушиши мумкин. Қизиғи, чет элликлар учун ҳам юртимизда ҳар қа-дамда “қўзиқориндай болалаб кетган”, ҳатто бутун кўчани эгаллаган қатор дорихоналар ҳам шундай ажабланарли ҳол. Ҳатто Тошкент кўчаларида сайр қилаётган бир сайёҳнинг: “Дорихона” нима, деб савол бергани, жавоб-ни эшитгач, “Ўзбекистонда ҳамма касалми?” деб лол қолгани салкам латифага айланиб ул-гурган. Бироқ аслида бу кулгили савол эмас, унинг ортида аччиқ ҳақиқат яширин.

Архивда сақланган тарихий ҳужжат-ларда дорихонада илк дорихона 1874 йилда очилгани қайд этилган. 1910 йилга келибгина дорихонанинг дастлабки филиали фаолият юрота бошлаган. Маълумотларга қараганда, бугун ўртача 2 400 нафар аҳолига битта дори-хона тўғри келар экан. 2023 йилда республи-ка миқёсида ўн беш мингдан ортиқ дорихона фаолият юрютган. Йил сайин уларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистонга дам олиш учун келган бир фармацевтнинг фикрлари эълон қилинган эди. Унинг айтишича, юртимизда дорихоналар мар-кет ва ресторанлардан ҳам кўп экан. Фарма-

цевт дорихона ходимларининг билим даража-си пастилиги, уларнинг ёзилган препарат ўрнига ўхшашларини тавсия этиши, айниқса, беморга зарур бўлмаган БАДларни тақдир қилишдан ҳайратга тушиб, аксарият дориларнинг сифати шубҳали эканлиги, ҳар қандай дори воситаси-ни шифокорнинг кўрсатма қоғози(рецепти)сиз сотиш нотўғри эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, мамлакатимиздаги дорихоналар ти-зими касаллар ва камбағалларнинг кўпайиши-га олиб келади, чунки халқ даромадининг катта қисмини овқатланиш, дам олиш, кўнгилочар жойларга боришга эмас, балки дори-дармон сотиб олишга сарфлайди.

Бу айни ҳақиқат. Бугунги кунда ким кўп дори воситаларига пул сарфласа, қиммат брендларнинг витамин ва минераллари, БАД-ларини истеъмол қилса шунча соғлом, ёш ва чиройли кўринишга эга бўлади деган сўнъий ҳақиқатлар одамлар онига ўрнашиб улгур-ган. Кўпчиликнинг назарида дорилар инсон саломатлиги учун озиқ-овқатлардан, мароқли ҳордиқдан ҳам фойдалироқ. Шу боисдан улар дориларга пул сарфлашни афзал кўради. Аммо аслида-чи? Агар дорилар шу даражада сеҳрли кучга эга бўлса, нега йилдан-йилга бе-морларнинг сони, касалликларнинг тури ор-тиб бормоқда? Хастахоналарга, янада кўпроқ дори-дармонга муҳтож бўляпмиз?

Ҳозирда аҳолининг катта қисми шифокор кўригидан ўтмайди ҳам. Дорихонага кириб ўзини безовта қилаётган дардларини айтади ва дорихона ходимларининг тавсиясига бино-ан дори олади. Дори тўғри берилган тақдирда ҳам уларнинг дозаси, ичиш вақти нотўғрилиги учун фойда ўрнига зарар етказиши, ҳеч бўл-маганда ошқозонда муаммо пайдо бўлади. Қарабсизки, бемор дард устига чипқон дега-нидай, ўз пулига янги касаллиқни “сотиб ола-ди”. Аксарият касалликларнинг 25 фоизи до-ри-дармонларни нотўғри истеъмол қилишдан юзага келиши исботланган. Бундан ташқари, ёзилган дорини хато ўқиб, ўрнига бошқасини бериш ёки “бир хил” деб берилган дорилар-нинг таркиби мутлақо ўхшамаслиги ҳаётимиз-да тез-тез содир бўлиб турадиган, биз доим ҳам пайқамайдиган одатий ҳодисага айланиб улгурган.

Албатта, бундай вазиятларда доим ҳам дорихона ходимлари айбдор эмас. Бу зан-жирда шифокорларнинг ҳам ҳиссаси салмоқ-ли. Аксарият кишилар шифокорларнинг жуда кўп миқдордаги, қиммат, самарасиз дорилар ёзиб беришидан безиб қолган. Ҳатто улар-нинг қабулига киришдан, керакли-кераксиз тиббий таҳлиллар топшириш, шифо бериши эҳтимолдан узоқ бўлган қиммат дориларни сотиб олишдан чўчишади. Уларнинг назарида ҳақиқатдан фойда берадиган дориларни до-рихона сотувчиси яхшироқ билади.

Дори ёзишга жудаям берилиб кетган шифокорлар, асосан, бир хил таркибга эга, бир хил вазифани бажарадиган дорининг 3-4 турини, муайян фирмаларга тегишли энг қиммат нархдагисини тавсия қилишади. Шифокорнинг кўрсатма қоғози(рецепт)даги дориларнинг ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кўтар-майди. Қўриб етган тақдирда уларни ичиб, фойдасини сезмагач, ҳафсаласи пир бўлади. Натижада кимдир мактаган ёки бўрттириб

реклама қилинган дорини пала-партиш қабул қилади. Қарабсизки, муаммолар занжири шу тариқа узайиб бораверади...

Бир танишим АҚШда ўқиб юрган кезлари-да шамоллаш туфайли шифокорга мурожаат қилганида, у оддий гиёҳли чой дамлаб бер-гани ва кўпроқ сув ичишни тавсия қилганини сўзлаб берганди. Афсуски, бизда одамлар оддий касалликларда ҳам, албатта, кўп дори қабул қилиш кераклигига қаттиқ ишонишади. Баъзида эса, оддий шамоллаш ёки вирусли касалликдан тузалиш учун озгина вақт, муд-дат кераклигини ҳам унутиб қўямиз.

Бугунги кунда шифокорларнинг аксарияти фирмалар билан шартнома тузади ва уларнинг олиб кирадиган дориларинингизга ёзиб беради. Баъзан кўриққа кириб, ҳатто ўзлари тавсия қилаётган дориларининг номини ёддан бил-маслигидан, реклама қоғозларини титиб, улар орасидан дуч келганини ёзаётганидан фиго-нинг фалакача чиқади. Тиббиёт соҳаси вакили бўлган қариндошимнинг айтишича, фирмалар шифокорга ҳар бир ёзилган рецепт учун дори нархидан маълум фоизини тўлар экан.

Юртимизда дори нархларининг қиммат-лиги, нархлар орасидаги тафовутлар ҳам алоҳида қизиқ мавзу. Масалан, “Клексан” дорисини олайлик. Тошкент шаҳридаги дори-хоналарда битта мамлакатда ишлаб чиқарил-ган, бир хил дозадаги препаратнинг нархи 440 минг сўмдан бошлаб 630 минг сўмгача белги-ланган. Тўғри, дори нархига импортёрларнинг ҳар хиллиги, ташishi ҳаражати, аптека тар-моғининг кам ёки кўплиги каби омиллар таъ-сир қилиши мумкин. Бироқ битта дори нархи-да 200 минг сўм тафовут бўлиши мумкинми? Ёки шунга ўхшаш сабаблар дори нархини мутлақо назорат қилиб бўлмаслигини англа-тадими? Қолаверса, дорихоналаримиздаги нарх-наво қўшни мамлакатлардагидан анча юқори. Баъзи дорилар эса улардагидан икки

Хусан СОДИҚОВ
чиққан расм.

бараваргача қиммат эканлиги аниқланган. Яроқлилик мuddати кам қолган дори восита-лари эса арзонроқ нархда сотилади. Бироқ, дорихона ходимлари бу ҳақда харидорни огоҳлантиришни ўзларига эп кўришмайди.

Нега айбсиз норасидаларнинг ўлими биз-га сабоқ бўлмади? Улар айнан заҳарли дори препаратини қабул қилиш натижасида ҳалок бўлишди. Аммо бу воқеадан бир йил ўтиб ҳам ҳеч қандай сертификатга эга бўлмаган, ноқо-нуний дориларни сотадиган йирик дорихона тармоқлари аниқланяпти.

Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларини “Витилигодан халос қиламиз!”, “Буқоқ, остеохондроз, ревматизмни бутун-лай йўқотамиз!” каби реклама эълонлари бо-сиб кетди. Уларнинг алдовларига чўк тушган, жабр чеккан, пуллари совурилган жабрдийда-лар жуда кўп.

Қўлбола тайёрланган дориларнинг Анди-жон, Фаргона ва Тошкент шаҳарларидаги до-

рихоналарда сотувга чиқарилгани эса халқни янада саросимага туширгани сир эмас. На-манганда бир фельдшер яширин цех шарои-тида “Зодак”, “Анаферон”, “Хилак Форте” ва “Витамин В6” номли қалбаки дорилар тайёр-лаб сотгани аниқланган. Ҳамма ҳам сохта ва ҳақиқий дорининг фарқига боравермайди. Энг ачинарлиси, бундай қабиҳликка қўл уриб, одамлар ҳаётини ҳафв остига қўяётганлар на ўз қилмишининг оқибатидан, на қонун олди-даги жавобгарликдан қўрқишади.

Ууллас, гапираверсак гап кўп. Аён ҳақиқат шунки, бугун фармацевтика соҳасидаги ҳолат ниҳоятда ачинарли даражада. Соҳа масъул-лари қуруқ ҳисобот ва сафсатабозликдан воз кечиб, вазиятни ўнглаш учун жиддий ҳаракат қилиши керак.

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



“БОТМАСИН

ЧИҚҚАН

ҚУЁШ...”

Бошланиши 1-саҳифада

Туркистонда худудлараро, қадимчи ва жадидлараро ички парокандалик ҳам бор эди. Шу боис илғор зиёлилар Ватан тақдирини масаласида бир-бирларини яқдил бўлишга даъват қилишди. Шунга қўра жуда кўл манбаларда бир-лашмоқ, бирдамлик ҳояси, миллий-маҳаллий кучларни жамлаш фикри етакчилик қилади.

Туркистон мухториятига оид адабий тарихини шартли равишда қисқа уч давр қўламида кузатиш ўринли бўлса керак:

Туркистон мухторияти эълонигача бўлган биринчи даврда ёзилган асарларда ижодкорлар қалбида яширинган эркка ташналик таъриф-тавсифлар баёни келади. Буларнинг кўпида ёруғ истиқбол орзуи бор эди.

Бу туйғу, яъни бир неча ўн йиллар давомида туркистонлик зиёлилар қалбида яширини ниш урган хурриятга ташна ички бир овоз секин-аста “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” сифатида ўз “садо”ларини чиқара бошлади. Инсонийлик, адолат, тенглик, эркинликдан сўз юритишга жазм этилди. Чор ҳукумати ағдарилиб, ўрнига Керенскийнинг Муваққат ҳукумати келган бир паллада ярим аср давомида зулмдан азоб чеккан эл ўзининг хурриятли кунлари бошланганига жуда катта умид боғлади. Юрт эртаси, тараққийси йўлида қатор анжуманлар, йиғинлар, маслаҳат кенгашлари, съездлар, курултойлар ўтказилди. Турли ташкилотлар, шўролар, хайрия жамиятлари тузилди.

ҚУВОНЧ

1917 йил 27 ноябрь кунин Қўқонда Туркистон мухторияти эълон қилинди. Воқеликнинг бу иккинчи даври бўлган айни сананда Мухторият умри бошланди. Етмиш икки кунлик ораликда матбуотда қувончдан тугилган шеърлар, публицистик мақолалар, табриклар босилди. Бу бир нафаслик шодиёна кунлар эди.

“Хуррият” газетасида Беҳбудий “Туркистон мухторияти” номли махсус мақола ёзиб (1917 йил 19-22 декабрь), Мухторият тарихини, бир неча марта “Шўрои Ислоом” томонидан ўтказилган съездлар мақсадини тушунтирди. Пароканда юрганларни сулҳга, ихтилофларга барҳам беришга чақирди.

Мухторият хавф остида қолаётган бир маҳалда Беҳбудий “Қозоқ қариндошларимизга очик хат”ини (“Хуррият”. 1918 йил 26 январь) ёзади: “Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, “Ҳақ олинур, берилмас”! Яъни “Мухторият”ни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб ғайрат ила олурлар, албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар, бул, албатта, шундайдуру ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдуру...” “Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдуру. Вақт ўтгандан сўнгра ўқинмоқ фойда этмас...”

Уқинчдан, афсус-надоматдан, сочили юлиб вовайлол қилгандан фойда бўлмайди. Фурсат муҳим, вақт ғанимат эди. Чунки Мухторият, мустақил бўлиш, хуррият ҳар қандай ҳодисадан улугроқ неъмат эди.

Абдурауф Фитрат “Мухторият” номли махсус мақоласида Туркистон мухторияти эълон қилинган кечани “миллий лайлатулқадримиз” деб номлади.

Таниқли жадидшунос Сирожиiddин Аҳмад “Миллий хуррият адабиёти” китобида Мухторият муносабати билан ёзилган айрим янги шеърларидан намуналар берди. Масалан, Абдулла Беги: “Ўз еринда, ўз элинда ўз кучин-эрки бо-

рин, Энди туркистонлилар-да билди, чинлаб англади”, деб ёзди. Татар шоири Саид Суна-чалай “Мухторият садоси” шеърда Мухториятни отган тонгга, уйқудан уйғонишга ўхшатиб, муслмонларни бирлашувга чорлайди. Шавқий Шахрихоний эса: “Бўлсин бақоли давлат Мухторият муборақ!” деб овоз элни қўтайди. Бу давлатнинг умри узун – боқий бўлиш орзусини ёзади. Хидоятўлла Алиев деган шоир: **“Бот-масин чиққан қуёш истамам ҳеч бошқани”**, деб истаб билдиради.

Ғулум Зафарий Мухторият ҳақида “Қувватимиз аскардир” мақоласини ёзади. Ҳар қандай йўл билан бўлсин аскарни қўллаш, унга ўзини, ўзлигини англаган ҳар бир одам моддий ёрдам бериши лозим, деган фикрларни айтади. Афсуски, Мухторият аскар билан, куч билан ҳимояланиб, хуррият сақлаб қолинмади. Саодатли дамлар қўлдан кетиб, мухториятчилар қатл этилди, қочиб яширинишга мажбур бўлди.

АРМОН

Учинчи даври Туркистон мухториятининг қонга ботирилишидан кейинги афсус-надоматларга тўла бўлган давр бўлиб, орзумандлар қалбида армонлар қолди.

МАЪЛУМОТ: “Шаҳар уч кун ёнган. 10 мингдан ортиқ туркистонлик ўлдирилган. Сийёсат учун Фарғона водийсидаги 180 қишлоққа ўт қўйилган. Ерли халқдан Марғилонда 7000, Андижонда 6000, Наманганда 2000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқда 45000 га яқин киши ўлдирилган” (Бегали Қосимов. Маслак-дошлар. Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 1994 йил, 91-бет).

Беҳбудийнинг хавотирга тушгани – охир-оқибат кучсизлик, парокандалик ўзининг манфур қиёфасини кўрсатди. 1918 йил февралда Мухторият қўлдан кетди. Ўзаро айрилиш, бирлашмаслик, Беҳбудий таъбирича, бунинг оддий номи – аҳмоқлик. Образли қилиб айтганда, “ўзларининг томирига ўзлари болта урмоқлик” эди. “Бирлашгон Туркистон халқининг бўлинишга ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқалар-да, албатта, зарар кўрарлар ва улар ила баробар татарлар-да, биз-да мундан зарар кўруرمىз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимизда йиғлармиз, аммо фойда этмас”. Дарҳақиқат, шундай – жазосини торттишди, йиғлашди. Аммо фойдаси бўлмади. Ихтилоф ва тарқоқлик азоб-уқубатини Туркистон миллати бир неча ўн йиллар тортди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Туркистон Мухториятина” деган шеърдан ташқари давр зиддиятлари, ўзаро ихтилофлар, уламо билан тараққийчиларнинг келиша олмаганлари ҳақида кулгили йўсинда “Мухторият ёки автономия” номли икки пардалик драма ёзади. Мазмунан бу саҳна асариди ўзларини замона уламоси ўлароқ кўрсатгувчи бир гуруҳ кимсалар оддий ижтимоий-сиёсий вазиятларни тўғри баҳолай олмасдан, ўз нафслари йўлидаги ўйлари, ўзаро суҳбатлари кўрсатилади. Шундай муҳим бир паллада, миллат истиқболи ҳал бўладиган маҳалда бир қанча кимсаларга дунёни сув босса тўпикларига чиқмаслиги Ҳамзага алам қилади. “Уламо”лар суҳбатидан уларнинг “хафтаномия” билан “хафтамабел”ни фарқлай олмасликлари маълум бўлади.

“Х. Домла (оёғ устида туриб). У хафтаномия-

си ҳам бутун фалокат ахир, янги келган вақтда отлар хуркиб, ипин узуб, аробалар олиб қочиб, неча одамлари босиб ўлдирмайдими?

Ҳамма ҳайрон турар.

Т.Домла (қулиброқ). Йўқ, у ароба-ку, тақсир! Уни хафтамабел, дейди. Хафтаномияси бошқа” Давр ва замон йўриғидаги ҳодисалар гувоҳи Ҳожи Муин безовта бўлиб, “Намо-йишлар тўғрисида”, “Большевиклар ва биз” деган мақолалар ёзди. Тўғри, хуррият қўлга киритилди, Мухторият эълон қилинди. Аммо у хавф остида, душман Мухторият тинчлигини бузиши, Мухторият биносини барбод этиши, Мухторият навихолини синдириб, парча-парча қилиши мумкин. Шу боис барча ихтилофларга барҳам бериб, барча кучларни бирлаштириш, душманга қарши ҳозирлик кўриш лозим. Ҳожи Муин: “Ҳар ҳолда большевиклар тек турмаслар. Бирор баҳона топиб, бизнинг тинчлигимизни бузарлар, деб гумон қиламиз. Чунки буларнинг чин муддаолари ҳануз ҳосил бўлган эмасдир. Шунинг учун бизларга кераким, бу тўғрида ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлик кўрайлик. Тамом бирлик билан куч йиғайлик. Ўз хуррият ва мухториятимизни сақламоқ учун мол ва жонимизни фидо этмакка ҳозир бўлиб турайлик”, дея бонг урди.

Афсуслар бўлсинким, орадан бир ойлар ўтиб, Ҳожи Муинни безовта этган ўша нотинчлик, зўравонлик, адолатсизлик содир бўлди. Эрк қўлдан кетди, Мухторият қонга ботирилди. Қўқонга дошноқчилар ташланди. Қишлоқлар ёндирилди, тинч аҳоли қиргин қилинди. Қўқон шаҳри тўлға тутилди. Мухторият маҳв бўлди. Мухториятни қонга ботириш – бу большевиклар сиёсати, уларнинг мустамлакачилик сиёсатидан, куюқ ваъдалар билан бирга қўй терисини ёпиғиб олган бўйларнинг ишидан бошқа нарса эмас эди.

Туркистон мухториятининг қонга ботирилган ўша аялчли кунлар фожеаларини тавсифлаб, тошкентлик Каримбек Камий “Вой, юз войки, Фарғона хароб бўлди, дариг, зулм ўқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариг...”, дея улкан “Афсусома” битди. “Шаҳри обод эди Ҳўқанд, хароб бўлди, дариг”, деб йиғлади. Ҳолбуки, шеър битилган паллалар Наврўз кунлари эди. Янги кун нафаси, баҳор фаслининг ҳавоси ҳеч кимга татимади.

Қонли фожиялар таъсири ижодкорлар қалбини вайрон қилди; яраларига туз сеппди. Уларнинг сўзларида афсус-надомат пайдо бўлди. Чўлпон сафарга чиққан маҳалларида “Вайроналар орасида” юрди. Андижондан Ўшга қараб, муаллиф ўз таъбирига қўра “янги руҳ ва эски тил билан “таваккал”ни айтиб” йўлга чиқади ва вайрон бўлган ўлка манзараларини кўради. Йўл босиб, “Ўш билан Андижоннинг қоқ ўртасидаги Хўжаобод қишлоғига” етиб боради. Хароба қишлоқ ҳолини Чўлпон бундай тасвирлайди: “Йўлда бир қишлоқни кўрдук: яримдан қўйи кетубдуру. Сабабини аравакашлардан сўрадим: “Босмачилар билан урушқони чиққан

арманилар 3-4 йил бўлди талаб, ўт қўйиб юбордилар”, деди...” Бориб Ўшни кўради. Гарчанд “иклим ва ҳавоси” аввалгича бўлса ҳам, унинг “бу кунги бузғун ва хароба ҳоли билан ўн йил бурунги Ўш” эмас эди. Шу боис Чўлпон “Юқорида қўйгон сарлавҳам Ўш шаҳрининг чинакам тилмочи” деган қатъий фикрини ёзади. Чўлпон йўлда “бўшаб қолгон ҳовли-жойларни ва уларнинг йиқилиб, ағдарилиб ётқон уй ва деворлари”га кўзи тушади.

Шунинг учун ҳам:

“Эй, тоғлари қўқларга салом берган

зўр ўлка,

Нега сенинг бошингда куюқ булут қўланка?” – деб савол қўяди шоир.

Бу фожиа тинч аҳолини қон йиғлатди. Қишлоқларнинг харобалари бир неча йил култепа сифатида ўтган-кетгanning юрагига ваҳима солди. Жадид зиёлилари бошидан ўтказган золим кунлар, қалбларига ўрнашган ўқинч ва армон – булар тарихнинг яраланган юракдан қон томган саҳифаларидир...

САБОҚ

Мухторият туфайли умидлар уйғонди, курашлар, ҳаракатлар, интилишлар самара берди, деган маънода қувончли ҳис-туйғулар баён этилади, кўзларда қувонч кўзёшлари қалқийди. Айни ижтимоий-сиёсий ҳодиса матбуотда турли йўсинда ёритилди, қутланди, уни сақлаб қолиш учун аскарлар зарурати айтилди, эҳтиёт қилишга, хурлик қадрини билишга, хушёрликка чорловлар бўлди.

Хур замон нима эканини тасаввур қилиш учун ўша жадидлар орзуи билан минг машаққатлар эвзасига эълон этилган ва, таасуфки, қўлда ушлаб қолишнинг имкони бўлмаган, ақалли уч ой ҳам умр кўришга улгурмаган Туркистон мухториятининг ҳолини бир тасаввур қилмоқ керак.

Мухторият бамисоли бахт қуши эдиким, келиб Туркистон тожига кўнди. Аммо бу бахт қуши бошимиздан учди, аникроғи, учирилди.

Тарих ибрат ва сабоқ учун ойина саналади. Мухторият тарихи, шу Ватан учун жон фидо қилганлар хотираси ёдга олинмоғи лозим. Бугун уларнинг жасоратлари, шижоатлари, хурриятга ташна бўлганликларини эсланиши лозим. Рухи шод бўлади.

Хуллас, Туркистон мухторияти ойнасида жадид зиёлиларининг қалби кўринади, умидлари, шодликлари ва кейин эса қалблари афсус-надомат билан тўлгани кузатилади.

Туркистон мухторияти зиёлиларнинг бирлик тўғини мустаҳкам тутмагани, бойларнинг Ватан тақдирига бепарво қарагани ва моддий томондан қўллаб-қувватламаганлари оқибатида барҳам топди. Тарих мухташам кўзгудир.

Туркистон мухториятининг қисмати хур ва озоид инсонларни ҳаммаша хушёрлик ва огоҳликка чақириб туради. Муҳим, қисқа муддатли умр кўрган Туркистон мухторияти бошидан кечган кунлар шуурли, миллатпарвар ҳар кимга бугунги истиқлол неъматининг қадрига етишдан сабоқ беради. Шундай экан, ҳозирги сертахлика ва нотинч даврда жондан азиз истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватан келажиги йўлида яқдил ва ҳамжиҳат бўлиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Қозиев Маҳмудбек (Отабек Махсум) 1888 йили Андижон шаҳрида йирик бой оиласида туғилган. Олий ва диний маълумотли. Босмачилик ҳаракатида иштирок этгани, унинг раҳбарларига мурожаатлар ёзиб, уларни Совет ҳокимиятига қарши олиб бораётган курашига илҳомлантирувчи табриклар йўллаб тургани учун ўн йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Хидралиевнинг ёрдами билан муддатидан олдин озод қилинган. 1932 йилда хорижий пуллар билан чайковчилик қилган. “Шўрои Ислоом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, “Маҳкамаи Шариаат”нинг котиби бўлган. Қамоққа олинган пайтда хизматчи бўлган. Сургундан қайтиб келгач, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзолари билан боғланиб, миллий, аксилинқилобий гуруҳда фаол иштирок этган.

КАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Каримов Исақ Қори – 1895 йили Андижон шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этган. 1930 йили қамоққа олинган ва бир йил қамоқда сақланган. Қамоққа олинган пайтда театрда хизмат қилган. Театрдаги хизмат вазифасидан фойдаланиб, ўзининг аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги фикрларини театр саҳналарида, шеърларида акс эттирган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан айбонли, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ваҳобов Мадамин – 1904 йили Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси, Мирза Тоғайнинг босмачилар тўдасида бўлган. Ҳибосга олинган пайтда қолхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий, миллий ташкилот аъзолари билан алоқада бўлгани, “халқ душманлари”нинг фаолиятини мақтаб Совет ҳокимиятининг тадбирларидан норозилигини билдирганликда айбонлиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-банди билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Низомов Маҳмудхон – 1890 йили Андижон шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Собик савдогар, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг котиби бўлган. 1930 йили чет мамлакат пулини сотиб олувчи савдогар сифатида қамоққа олинган. Ҳибосга олинган вақтда ўқитувчи бўлган.

Аксилинқилобий йиғинларда фаол иштирок этганликда, ВКП(б) ва Совет ҳукуматининг тадбирлари тўғрисида уйдирмалар тарқатганликда, ўқувчи-ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялаганликда айбонлиб, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Мўминов Ҳожиакбар – 1902 йили Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси билан ташкилотта ёшларни жалб этишга доир топшириқларни бажаргани учун ВКП(б) сафидан чиқарилган.

Аксилинқилобий гуруҳ йиғинлардаги иштироки, Совет тузумига қарши фикрлар айтганликда, миш-мишлар тарқатганликда айбонлиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. **Сўлтонов Файзулла** – 1905 йили Ўш шаҳрида туғилган. Волост бошқарувчисининг ўғли. Аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. Шу ташкилотнинг маблаг ҳисобидан 1923 йили Туркияга ўқишга юборилган, аммо бунга имкон берилмаган. Боку шаҳрида ўқиш учун ҳам рўхсат берилмаган. Ҳибосга олинган пайтда ўқитувчи бўлган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси бўйича 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Алимов Исроилжон – 1900 йили Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. Мирза Тоғай қўрбоши тўдасининг фаол иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда қолхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган.

Аксилинқилобий, миллатчи ташкилот аъзолари билан алоқада бўлганликда, аксилинқилобий фаолиятини мақтагани, Совет ҳукумати тадбирларидан норозилигини билдирганликда айбонлиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Қаюмов Асқар – 1896 йили Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти топшириғига қўра Парли қўрбоши бошчилигида босмачилар билан алоқа ўрнатган, аҳоли ўртасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган. Ҳибосга олинган вақтда ўқитувчи бўлган.

Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси сифатида ВКП(б) ва Совет ҳукуматининг тадбирларига, айниқса, қўлоқларни синф сифатида тугатиш ҳаракатларига салбий муносабатда бўлганликда айбонлиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Раҳимов Расулжон – 1903 йили Қўқон шаҳрида савдогар оиласида туғилган, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси, Ислоом қўрбоши тўдасида иштирок этган, ВКП(б)дан ўчирилган. Ҳибосга олинган вақтда театрда ишлаган.

Аксилинқилобий гуруҳдаги иштироки, Совет ҳукуматининг тадбирларига қарши чиққанлиги, Троцкий ва бошқа халқ душманлари фаолиятини мақтагани, Тухачевскийнинг отилишига ҳамдардлик билдиргани, мағлубиятчилик мазмунида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,

тарих фанлари доктори, профессор,

Нигорахон АКБАРОВА,

илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ГЎЗАЛ ЁЗГИЧЛАР

ГЎЗАЛ ТУРКИСТОН



Абдулҳамид Чўлпон

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун. Бўлмасми дил шод?

Билмам не учун қушлар учмас боғчаларингда?
Бирлигимизнинг тебранмас тоғи,
Умидимизнинг сўймас чироғи.
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.
Кўзғал, халқим, етар шунча жабру жафолар!
Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин.

Қур янги давлат, ёвлар ўртансин.
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин,
Яйраб, яшнаб ўз Ватанинг гул боғларингда!

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Туркистон мухторияти... Темур ҳоконининг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан уғурли, мундан муқаддас, мундан суяночли бир сўзни борлиғига ишонмайман.

Туркистон туркнинг қонини қайнатувчи, имонини юксалтувчи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон мухторияти!

Эли(қ) йилдан бери ззилдик, тақҳир этилдик, қўлимиз боғланди; тилимиз кесилди, оғзимиз қорпонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди,

номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга таъовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйунсундик, бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, имонларимизга авраб сақладик: Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртгувчи жандарманинг тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзи-

миз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўралмадик. Шул чоғда, тушгун руҳимизни кўтармак учун шул



қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз яққил-

МУХТОРИЯТ

лаб тура эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шунини кўра эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аниқ билма эдикким, золим Николай ҳукумати қанча яшарасу, адолат ошиқи бўлган... рус демократияси, ҳақга таянган бир инқилоб чиқариб, ҳар миллатнинг ўз ҳақларини қайтарур.

Инқилоб бўлди. Русиянинг “қўшма халқ жумҳурияти” усули билан идора этилури жарланди (эълон қилинди). Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Қўнұқ (навбат) Туркистон-

ники эди. Туркистоннинг тарихи хонбалиқларидан (пойтахтларидан) иккинчиси бўлган Ҳўқанд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 ноябрнинг (миллий лайлатулқадримиз бўлган) ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди.

Лекин шуниси борким бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съездининг эълони билан таъмом бўлмас. Мухториятни олмақ ва сақламоқ керакдуру. Съезд ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидур. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдуру. Бунларни миллат ҳозир қилсун.

ФИТРАТ

“Хуррият”, 1917 йил, 5 декабрь



ЗАМОНДОШ

Бувайдага йўлингиз тушса, Қорақум қишлоғига ҳам бир кириб ўтинг. Бу ерда уч аср, икки минг йилликни кўрган, 1895 йили туғилган Хувайдо момо Умарова яшайди. “Йўғ-э” деманг. Биз ҳужжат асосида гаплашамиз.

Салом-аликдан сўнг, момо мендан аввал савол беришни бошлади:

— Қаердан келдингиз қизим, ким-сиз?

— Моможон, журналистман. Учкўп-рикдан келдим.

— Ҳаа, хотирам ҳам пасайиб кетяпти. Биз катта Фарғона канали қурилишида ишлаганимизда учкўприкликлар ҳам кўп эди. Ҳозир отларини эслай олмаяпман.



Ғап тугамасидан Хувайдо момо яна сўз бошлаб қолди.

— Канал қурилишида бирорта ҳам техника ишлатилмаган. Қишлоқлардан одамлар — ёшу қари, эрқагу аёл мажбурлаб олиб кетилган. Ҳамма кетмон, куракда ер ағдариб, қумини қоп ва махсус саватларга солиб юқорига таший-верган. Оғир иш эди. Норғул-норғул йигитлар (момо “боявой” — “боявой” деб таъкидлаб қўяди) ҳаммаси. 50-70 кило қумни кўтариб теглага таширди. Биз қуму тошларни уларнинг қоллига ва саватига солиб берардик.

Ундан кейин бир умр далада ишладим. Болаларимни “бир кўз” билан катта қилдим.

Ўша давр одатларига кўра момо 16 ёшга етиб етмай турмушга узатилади. Биринчи турмушидан фарзандсизлик туфайли ажрашади ва кейингисидан қатор фарзанд қурлади. Онанинг пешонасида фарзанд доғи ҳам бор экан. Момо икки фарзандини чақалоқлигидак тупроққа қўяди. Етти нафар фарзанднинг тўнғичи эса 2013 йилда вафот этган. Ҳозирда опти фар-

занди, 41 набира, 64 чевара, 38 нафар эваралар ардоғида яшаётган момонинг хотираларини эшитсангиз худдики эртакка тушиб қолгандек бўласиз.

— Қийин кунларни кўп қўрдим, — дейди момо озгина тин оларкан кўзларини бир нуқтага тикиб. — Уруш пайтида эркакларнинг ҳаммаси фронтга кетди. Биз далада тинмай ишладик. Қолхоз раиси менга бир ёш болани ёрдамчи қилиб берганди. Ўша бола билан бирга тонготор пахтага сув қўйиб чиқардим. Ҳозир эсимда йўқ,



гектар-гектар ерни кечаси билан суғориб чиқардик-да. У пайтларда одамлар ҳам ҳозиргидек кўп эмасди. Далада ёввойи ҳайвонлар, чиябури кўп бўларди. Қўриқ-қўриқ тонг оттириб олар-

дик. Даланинг ҳар ер-ҳар ерига олов ёқиб қўяр-дик. Ўзимдан ҳам кўра менга ёрдамчиликка берилган болани эҳтиёт қилардим.

Хувайдо момонинг кенжа ўғли эса онасининг “болам, қашамшақ бўлма, доимо юрагингда шукроналик ҳисси бўлсин, Яратганга исён қилма. Бугун сизлар ҳаммадан ҳам яхши замонда яшаяпсизлар. Пул бўлса ҳамма нарса топилади. Нондан, овқатдан, кийим-кечакдан қийинчилик йўқ. Бизнинг болалигимизда, ёшлигимизда ҳатто пулга ҳам нон топиб бўлмасди. Қийинчилик билан бирга қаҳатчилик ҳам одамларни ҳолдан тойдирар эди. Сизлар мана шундай яхши замонда яшаяпсизлар” — деган гапини такрорлаб, “Рост, тўғри”, деб қўйди.


Бу йил 129 баҳорни қарши оладиган Хувайдо момо доимо шифокорлар назоратида. Уйда ҳам меҳр, эътибор оғушида.

Хувайдо момонинг узоқ умр кўришининг сирини ҳамма билгиси келади.

Момонинг аждодида бир асрдан ошганлар кўп бўлган экан.

“Бобомиз, Тошмат ота 101 ёшга кирган. Тоғалари Муллақодир 130 йил яшаган. Сайдинисо аммалари эса 125 йил умр кўрган”, — дейди Туракул Умаров. — Андижон давлат тиббиёт институти профессори Нейматжон Мамасолиев тез-тез келиб туради, у онамининг генетикасини ўрганиш учун турли аппаратлардан ҳам фойдаланади. У кишининг айтишича, агар онамдаги узоқ умр кўриш сирини аниқланса, кейинчалик бу асосда инсониятга фойда келтирувчи кашфиёт яратилар экан.

Биз Нейматжон Мамасолиев билан боғла-



нишга ҳаракат қилдик. Афсуски, у киши илмий-амалий анжуманда эканлиги сабабли онахон ҳақидаги фикрларини била олмадик.

Кейинроқ балки профессор Нейматжон Мамасолиевнинг ўзи онахон генетикаси бўйича изланишларини эълон қилиб қолар.

Бундан уч йил аввал масъуллар момонинг сайёрамиздаги энг ёши улуг инсон сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун ҳужжат тўплаган. Чет эл мутасадди ташкилотлари билан боғланишган. Афсуски, собиқ совет иттифоқи берган ҳужжатларга ишонч йўқлиги важи билан ҳалигача бу иш охирига етгани йўқ.

“Қорақум” МФЙ раиси Шодмоной Алиқулованинг айтишича, онахоннинг ҳужжатлари яна қайтадан пухта тайёрланиб, Тошкентдаги масъулларга жўнатилибди.

— Тез кўнларда Хувайдо момонинг Гиннеслар китобига киргани хушхабарини эшитсак ажабмас, — деди Шодмоной Алиқулова.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
журналист.

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

(Бошланиши ўтган сонда).

Ўша пайтда Русияда мавжуд бўлган табақаларни учга бўлиб кўрсатиш мумкин: 1) Зодагонлар ёки русча айтганда, дворянлар синфи. Бу ҳукумат монополиясининг синфи бўлиб, жуда катта имтиёзларга эга эди. Рухонийлар шу синфнинг бир тармоғини ташкил этарди; 2) Шаҳарларда яшайдиган мешчанлар, яъни муайян миқдордаги мулк соҳиблари, улар зодагонларга нисбатан бундайроқ имтиёзга эга эдилар; 3) Мазкур табақага крепостной деҳқонлар кирардики, улар ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум ва бирор-бир имтиёзга эга эмасдилар.

Туркистон босиб олинган, ерли аҳолини ана шу табақалардан бирига киритиш лозим эди. Лекин қайси табақага? Масаланинг нозик томони ана шу ерда.

Русия истилосига қадар туркистонликлар ҳам қарийб шундай ёки шунга яқин табақаларга бўлинган эди. Қрим, Таваристон, Кавказ ўлкалари босиб олинган, у ердаги ижтимоий табақаланиш Русиядаги табақаланишга мослаштирилган эди, яъни бадавлатлар зодагонлар синфига, майда мулк эгалари мешчанларга, деҳқонлар эса крестьянлар синфига киритилганди. Русия ҳукуматдорлари нуқтаи назарича, туркистонликлар маданий дунёдан шунчалар орқада қолиб кетган эдиларки, уларни, ҳатто, учинчи табақа — крестьянлар синфига ҳам киритиб бўлмасди. Нима қилмоқ керак? Келинг, бу одамсифат ҳайвонлар учун крестьянлардан ҳам пастроқ бир “табақа” ихтиро қилайлик, деган хулосага келишадди.

Шундай қилиб, туркистонликларни алоҳида янги табақага — жамиятнинг крепостнойлардан ҳам қуйроқ бўлган тўртинчи тоифасига киритиб, уларни “туземци” — маҳаллий, деб атай бошладилар. “Туземци” гарчи луғавий жиҳатдан “маҳаллий” маъносини берса-да, лекин ҳақорат ўрнида ҳам ишлатиларди.

Чор ҳукуматининг ўн олти бобдан иборат қонунлар мажмуи бўлиб, шулардан гражданик ва жиноят қонунлари хийла мураккаб эди. Гражданик қисми маҳаллийларга, жиноят қисми эса жиноятчиларга татбиқ этиларди. Тўғриси айтганда, туркистонликлар бу қонунларга муносиб қўрилмади. Агар мавжуд қонунлар юзасидан Туркистонни идора қилганларида асл мақсадларига етолмасдилар. Ва шу боис Туркистон масаласида янгича қонун ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий қилдиларки, унинг низоомлари кундан-кун қўл-оёқларни маҳкамроқ боғлашга хизмат қиларди. Баъзи бир маиший тадбирлар — никоҳ ва талоқ, шунингдек, енгилроқ жиноятлар маҳаллийларнинг шарияти ҳукмига ҳавола қилинганди. Бундай ишларни қозилардан иборат “народный суд” — халқ суди

шариат юзасидан ҳал қиларди...

Мўғуллар давридан қолган одат бўйича ҳам қонун ҳукм сурар ва у шариат қонунидан ҳам олдинроқ, балки Нуҳ тўғонидаги тартиб берилган ортиқча бир даҳмаза эди. Шариат ва одат юзасидан қонун моддаларини тафтиш қиладиган маҳкама йўқлиги туфайли қозининг айтгани айтган, дегани деган эди.

Ана шу уч қонун, яъни, биринчиси, Туркистонни идора қилиш учун чиқарилган махсус қонун, иккинчиси, минг йиллик шариат қонуни, учинчиси, кўчманчиликнинг одат қонуни Туркистон аҳолисининг оч-аланган бўлиш жараёнини тезлаттирди. Ҳукумат ша-

жабру зулм, ноинсофлигу ноҳақликнинг манбалари ана шу учала қонун эди. Ҳукумат ўзининг махсус қонуни билан кўп миллионли аҳолини тушовлаб, бир неча маъмуриятларнинг қўлига топширган бўлса, яна миллионлаб аҳоли шариат ва одат юзасидан бойлару мулкдорлар қўли бўлиб қолганди. Ўша шариату одат қанчадан-қанча хотин-қизларни канизак, хотин устига нечанчи бор қундош бўлиб тушишларига йўл очиб берганди.

Жабру зулм манбаига айланган ўша қонунлардан айрим мисоллар келтириб ўтамиз. Русиядан кўчиб келган крестянлар маҳаллий деҳқонлардан ер сотиб олиши

ойга қамоққа ҳукм қилиш билан кўрқитиб, масалани бойнинг фойдасига ҳал қилиб берарди. Қарз олган у бечора зудлик билан бирор нарсасини сотиб ёки яна бировдан қарз кўтариб, бояги машмашадан қутулиш пайида бўларди. Албатта, у бечора қайтарайтган қарзнинг устамаси-қўшимчаси ҳам бўлардики, бу бой ва қозининг манфаатиға мувофиқ келарди.

Дунёда ҳеч ким пристуфнинг қарориро қозининг ҳукмига даҳл қилолмасди. Яна бир мисол. Магар биров қозига бориб: “Фалон аёл ё қиз менга хотин бўлишга розилик берган эди, билмадим, ҳозир негадир фикридан қай-

чиқарилган махсус қонунга қайтамыз. Русия Туркистон истилосидан сўнг тахминан 1880 йиллардан бошлаб фатҳ қилинган жойларда посёлкалар бунёд қилиб, Марказий Русиядан муҳожирилар кўчириб кела бошлади. Бу посёлкалар Хитой чегаралари яқинидаги Семиречинск (Еттисув) вилоятида барпо этилди.

Бу ерлардан хотиржам бўлган, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларида ҳам посёлкалар қуриш авж олиб кетди. Посёлкалар учун соя-салқин, обод ва сервис жойлар танланар ва у ерларнинг турғун аҳолисини зўрлик билан бошқа жойларга кўчиртирардилар.

Бу ишларини ўша махсус Туркистон учун чиқарилган қонунга мувофиқлаштириш мақсадида 1890 йил ҳар вилоятда ер участкалари билан шугулланадиган ташкилот тузилди. Бу ташкилотнинг ҳайъати 20-30 землемер(танобчи)дан иборат бўлиб, улардан 5-6 таси комиссар ҳисобланар ва унинг қўл остида 5-6 тадан танобчи бўларди.

Мазкур ҳайъат сувни ва лалми ерлар, яйлову даштлар, тоғ ер майдонларини ўлчаб чиқиб харита туздилар. Аҳолининг мулкидан бошқа барча ерлар, дашт ва тоғ яйловлари ана шу харитага мувофиқ подшолик мулкига киритилди. Кейинги йилларда Голодный степь, яъни Мирзачўлга Сирдарёдан сув чиқарилиб, дарёнинг ҳар иккала қирғоқларида ҳам посёлкалар тикланди ва муҳожирилarning кўчиб келиши давом эттаверди.

Бу посёлкаларда фақат христианлар яшарди. Маҳаллий ёки Қриму Кавказдан келган татар мусулмонлари бу посёлкаларда яшаш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Шаҳарларда ҳам шундай қонун жорий қилинган эди. Христианлар қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар, шаҳарлардан ҳовли-жой сотиб олишлари мумкин эди. Бирок Марказий Русия, Кавказ, Қримдан келган мусулмонлар бу имтаъздан бенасиб эдилар.

Масалан, Архангельскдан келган христиан деҳқони Туркистондан ер олиб деҳқончилик қилиши мумкин эди, лекин туркистонлик ўз Ватанидан ер олиб деҳқончилик қилишига қонун йўл бермасди!! Иллат шундаки, бу христиан, у мусулмон!

(Давоми келгуси сонда).



Мирзо Қўқонбой АБДУХОЛИҚОВ



рият ва одат юзасидан чиқариладиган ҳукмларни ҳимоя қиларди.

Чор ҳукумати бизга Русия қонунларини жорий қилмади деб хафа бўлишга, шикоят қилишга ҳожат йўқ. Зотан, туркистонликлар бунга умид ҳам боғлаганлари йўқ, чунки умумрусия қонунларини буржуазия ўйлаб чиқарган бўлиб, улар фақат буржуйлар манфаатини ҳимоя қиларди.

Биз унинг дурустроқлигини амалиётда кўрардик: Русия умумқонунлари остида Туркистонда яшайдиган европалик шариат ва одат қонунлари остидаги маҳаллийлардан кўра камроқ жабр тортарди.

мумкин эди, лекин деҳқонлар улардан ер сотиб олиш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Агар биров уезд ҳокимини кўриб одан тушмаса ё пиёда ўтаётганда таъзим қилмаса, ҳоким ё пристуф қарор чиқариб, ўша шахсни чор ҳукуматининг қонундаги 64-модда бўйича бир ҳафтадан ўн беш кунгача ҳибсга оларди.

Мисол учун, бир бечора бойдан қарз олиб, тирикчилигини тиклаб олмақчи. Лекин қарзни ўз вақтида ўзолмайди. Бой дарҳол қозининг олдига бориб, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаса ҳам берган қарзини ундириб беришни сўрарди. Қози қарздорни олти

тиб турибди”, деб даъво қилса, қози, албатта, ўша аёл ёки қиздан номигагина у-буни сўраб, масалани даъвогар фойдасига ҳал қиларди. Албатта, бу ишларнинг ҳеч бири “қуруқ”қа бўлмасди, уртада машварат уюштириларди, манфаат бўларди. Ана шуларнинг бари ҳақиқат. Нима бўлганда ҳам таёқ камбағалнинг бошида синарди. Бу ерда яна бир нозик жиҳати бор. Агар биров мусулмонликдан воз кечиб, христианлики қабул қилган бўлса, у махсус қонун, шариат ва одат ҳукмлари остидан чиқиб, Русиянинг маҳаллий қонунлари паноҳига ўтарди.

Яна Туркистонни идора қилиш учун

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:
Муяссар ИБРАГИМОВА

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади — 4583
Лотин ёзувидаги адади — 11841

Буюртма: Г — 239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташкилотлар учун — 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навойи кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30
Сотувда нархи эркин.

